

Авваламбор, сиз, ҳурматли журналистлар, нашриёт ва матбаа соҳаси фидоийларини, оммавий ахборот воситалари ходимларини бугунги касб байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

...Халқимиз, жамоатчилигимиз матбуот аҳлини Ватанимиз манфаатларининг фаол ҳимоячиси бўлган, давлат ва жамият ўртасида бамисоли ҳолис воситачи ва муҳолиф сифатида фаолият кўрсатадиган, мамлакатимизнинг янгиланиши ва тараққиёти йўлида олиб борилаётган ислохотларни қўзланган мақсад ва манзилларга етказишда доимо изланиб ашайдиган фидоий инсонлар деб билади ва қадрлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам ҚАРИМОВнинг
Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригидан.

Mustaqillik huquq demakdir

Ўзқўқ

1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan

2006-yil 28-iyun, № 26 (445)



O'ZBEKISTON
REPUBLIKASI BOSH
PROKURATURASINING
NASHRI

Таблиця

Эшдавлат ЖЎРАЕВ,
Қашқадарё вилояти прокурори

ҚОНУН — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Истиқлолга эришганимиздан буён ўтаётган 15 йилга яқин вақт ичида бошқа соҳалар каби суд-ҳуқуқ тизimini ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш борасида кўпгина ишлар қилинди. Жумладан, давлат ва жамият ҳаётидаги демократик ўзгаришлар тақозоси билан «Прокуратура тўғрисида»ги қонун янги тахрирда қабул қилиниши муҳим воқеа бўлди. Прокуратура фуқаролар устидан назорат этиши эмас, балки уларга хизмат қилиши керак деган қоида унинг мазмунини ташкил этди. Қонун устуворлигини таъминлаш билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш прокуратура органларининг бош мақсадига айланди. Фуқаролар прокуратура тизимлида ўз ҳуқуқларини ҳимояловчи, халқ манфаатларига хизмат қилувчи давлат органини кўра бошладилар.

Қашқадарё вилояти прокуратураси органлари ҳам истиқлолнинг 15 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятида асосий эътиборни иқтисодий-иқтисодий ислохотларнинг самарадорлигига эришишга қаратди. Аввало шунини таъкидлаш керакки, ходимларимиз жиноятчиликка қарши кураш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши хизмат бурчиғина эмас, инсоний вазифаси деб ҳам билишади. Бунинг натижаси ўлароқ прокуратура органлари ва фуқаролар ўртасида ҳамкорлик ришталари тобора мустаҳкамланиб, одамлар ўз муаммолари тўғрисида бизга ишонч билан мурожаат қилишяпти. 2006 йилнинг ўтган беш ойида вилоят прокуратураси органларига фуқаролардан 3500 га яқин ариза ва шикоят келиб тушганлиги ҳам халқнинг прокуратурага ишончи ортиб бораётганлигини кўрсатади. Ишончнинг эса оқлаш керак. Шу маънода келиб тушган ариза ва шикоятларни ўз вақтида ва қонуний ҳал этишга эътиборни қаратаёلمиз. Бевосита прокуратура ходимлари томонидан ариза ва шикоятларнинг 776 таси ҳал қилиниб, 109 таси қаноатлантирилди.

Ишсизлик — ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни келтириб чиқаради. Аҳолини иш билан таъминлаш дастурига мувофиқ 2006 йилда вилоятда 50 минг 600 га яқин иш ўрни яратилди. Туман ва шаҳар прокуратураларининг ташаббуси билан вилоятда 14 та меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, 1,1 минг киши ишга жойлаштирилди. Бу билан шунча кишининг пул топиш илҳомига жиноят кўчасига киришининг олди олинди. Жумладан, кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига 1,7 мингта, юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 2,6 мингта, янги фермер ҳўжаликларини ташкил этиш ҳисобига 10,4 мингта, уй меҳнатини ташкил этиш ҳисобига 2,4 мингта, йирик ва кичик ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кооперацияни, касаначиликни кенгайтириш ҳисобига мингта, оилавий тадбиркорлик ва ижара пудратини ташкил этиш ҳисобига 1,4 мингта иш ўринлари ташкил этилган. Шулардан 7 мингта иш ўрни хотин-қизлар учун яратилган.

Аҳолининг моддий-маданий турмуш даражаси яхшиланиши, аввало, уларнинг иш билан таъминланиши, қолаверса иш ҳақларини ўз вақтида олишига боғлиқ. Қонунларимизда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимояга олинган. Лекин барча корхона ва ташкилотларда бу борадаги қонунларга ҳар доим ҳам амал қилинаётганими?

(Давоми 9-бетда).

Меҳнатдан қадр топганлар

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизimini ислох қилиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш борасида кўп ишлар амалга оширилди. Жумладан, прокуратура органларининг ҳам ҳуқуқий мақоми тақомиллаштирилиб, ҳуқуқни ҳимоялаш вақолатлари кучайтирилди. Шу даврда прокуратуранинг ижтимоий-ҳуқуқий аҳамияти янада юксалди деб айтишга тўлиқ асосимиз бор.

Хуқуматимиз томонидан олиб борилаётган кенг ислохотлар шароитида прокуратурага энг муҳим давлат идораларининг бири сифатида қаралмоқда. Буни прокуратура органлари тизимидagi сезиларли ўзгаришларда ҳам кўришимиз мумкин.

Кўпчилик прокуратура органлари ходимлари буни тўғри тушуниб, қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш борасида фидоийлик кўрсатишяпти. Уларнинг бу меҳнати ҳуқуқимиз томонидан тақдирланиб борилмоқда.

Мустақилликка эришганимиздан буён 160 нафардан ортқ прокуратура ходими фахрий унвон ва давлат мукофотларига сазовор бўлганлиги фикримизнинг далилидир.

«Прокуратура тўғрисида»ги қонун билан прокуратура органлари ходимларининг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш бўйича ҳам янги нормалар киритилди, ҳудудда қонунийликнинг ҳолати, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатлари ҳимоясининг таъминланиши прокурорларнинг фаолиятини баҳолаш мезонини сифатида мустаҳкамлаб қўйилди.

Республика Бош прокурори томонидан «Хизмат фаолиятида на-

муна кўрсатган прокуратура ходимларини қўллаб-қувватлаш тартибини белгилаш ҳақида»ги буйруқ қабул қилинди ҳамда шу асосда «Йилнинг энг яхши терговчиси» ва «Йилнинг энг яхши давлат айбловчиси», кейинчалик эса «Йилнинг энг яхши прокурори» танловларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоомлар тасдиқланди. Бундан мақсад хизмат бурчинини намунали бажараётган, иш самарадорлигини мунтазам яхшилашга эришаётган туман ва шаҳар прокурорлари, терговчилар ва давлат айбловчиларини рағбатлантиришни тақомиллаштиришдан иборат.

Танловга номзодлар фидоий, бурчига содиқ, юклатилган вазифани виждонан ва намунали адо этаётган, жамоада соғлом муҳитни шакллантирган билимдон, адолатли ва мураббийлик фазилатига эга бўлган ходимлар орасидан танланди.

Кунин кеча Республика Бош прокуратурасида танлов голибларини мукофотлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирни Бош прокурорнинг ўринбосари Бахтиёр Нурмухаммедов очиб, Республика Бош прокурорининг ташаббуси билан ўтказилган танлов ҳақида қисқача гапириб берди. Шундан сўнг Бош прокурор ўринбосари Равшан Мўҳиддинов танловнинг мақсади ва вазифалари ҳақида сўзлаб, ўтган давр мобайнида прокуратура органлари томонидан мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш йўлида амалга оширилган кенг кўламли ишларга тўхталиб ўтди. Танлов якуллари бўйича Ўзбекистон Бош прокурорининг 2006 йил 16 июндаги буйруғига кўра тақдирланганлар номи эълон қилинди.

Тошкент вилоят Қибрай тумани прокурори **Бахтиёр ПАЙЗИЕВ** «Йилнинг энг яхши прокурори», Ўзбекистон Бош прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бошқармасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси **Равшан АЗИМОВ** «Йилнинг энг яхши терговчиси», Андижон шаҳар прокурорининг ўринбосари **Ҳамид МА-**

ДАМИНОВА «Йилнинг энг яхши давлат айбловчиси» эсдалик нишонлари билан тақдирландилар.

Шунингдек, Тошкент транспорт прокурорининг катта ёрдамчиси **Жолда САЙДАЗОВА** ва Чилонзор туман прокурорининг катта ёрдамчиси **Ирода МУҲАММЕДОВА** қимматбахо совға билан мукофотландилар.

Фориш туман прокурори **Бахтиёр АРАЛОВ**, Вобkent туман прокурори **Мўхаммад БЕКМУРОДОВ** Ўзбекистон Бош прокурори ҳамда Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгашининг «**Фахрий ёрлиғи**» билан тақдирландилар.

Тадбирда Фарғона шаҳар прокуратураси катта терговчиси **Шўхратжон МУСАЕВ**га «2-даражали юрист» унвони берилди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққанлар бу катта ишонч уларни бундан кейин ҳам фидокорона меҳнат қилишга ундаб туришини изхор этдилар.

Бундай хайрли тадбир ҳар йили аънавий ўтказиб турилади.

Худойберди НОРҚОБИЛОВ,
Республика Бош
прокуратураси бошқарма
прокурори

Бизлар терроризм ва гиёҳвандликка қаршимиз

2006 йил 24 июн кўни Андижон шаҳридаги олимпия захиралари спорт коллежида Андижон вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги ҳузурдаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, вилоят Қарате федерацияси ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг бевосита иштирокида «Бизлар терроризм ва гиёҳвандликка қаршимиз» ширини остида ўсмир ёшлар ўртасида шарқона якка кураш бўйича халқаро спорт турнири ўтказилди.

Мақзур турнир воёга етмаганлар муҳитида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашни кенг тарғиб

қилиш, уларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини янада кучайтириш ҳамда 26 июн — Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунига бағишланди.

Халқаро турнирда республикамизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ҳамда қўшни Қирғизистон ва Тожикистон республикаларидан келган 300 нафардан ортқ 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган спортчи ёшлар иштирок этишди.

Мусобақа голиблари тадбир ташкилотчилари ҳамда ҳимийларнинг қимматбахо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Д.МАМАЖОНОВ,

Андижон вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Xabar

Ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш

Фуқаро Жамшид Ҳасанов (исмлар ўзгартирилган) бир иш билан Тошкентга келиб, уйга қайтишда бола-чақасига майда-чуйда олиш учун Учтепа туманида жойлашган «Карвон бозори»га тушади. Бозорни айланиб юрганида милиция формасидаги бир йигит келиб, «ака, ҳеч нарса йўқотмадингизми?» деб сўрайди. Жамшид эғнидаги қора чарм куртқасининг ички чап ён чўнтағидаги 1000 сўмлик купюрадаги бир пачка, яъни жами 100000 сўм пули йўқолганлигини билиб қолади.

ҚИЛИШ

Қизиги шундаки, ўғри чарм куртқани ташқи томондан кесиб, чўнтақдаги пулни шилиб кетган экан. Жамшид ўғрига «тасанни» айтишдан бўлак чораси қолмаганлигини фахрлаб, эсанкираб қолади. Тўғри-да, Тошкентда ишларини битказиб, болаларига у-бу нарса харид қилиш учун келган деҳқон йигитга бундан қаттиқ зарба бўлиши мумкинми? Яхшиям, бахтига ҳуқуқчи муҳофазаси қилиш органлари ходимлари Жамшид пайкаб ҳам улгурмаган воқеани кўриб қолиб, ўғрини қўлга олиш экан. Текширилганда ўғри Акмал Мамедовнинг ёнидан Жамшиднинг 100000 сўм пули чиқди.

Бу жиноят ЖКнинг «Ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш», деб номланган X бобига киритилган бўлса-да, бобдаги «Босқинчилик», «Товламачилик», «Талончилик», «Ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилиш», «Фирибгарлик» жиноятларидан ўзининг содир этилиш йўли билан фарқ қилади. Ҳуқуқшунос олимларнинг ёнашларича, ўғрилик объекти томондан талон-тарож қилишнинг шакли сифатида ўзгалар мулкани яширинча ўзиники қилиб олиш билан тавсифланади. Яширинчалик ўғриликнинг муқаррар белгисидир. Эс-хуши жойида бўлган ва ўн тўрт ёшга тўлган шахс ўғрилик шаклидаги ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш жиноятининг субъекти бўлиши мумкин.

Ўғрилик жиноятининг яширинча содир этилиши уни босқинчиликдан тафовутлайди, зеро босқинчилик ўзгалар мулкани ошқора тарзда ўзиники қилиб олади. Ўғрилик жинояти, яъни чўнтақкесарлик билан шуғулланадиган шахслар ўзларининг ушбу жиноий хатти-ҳаракатини

кўпинча шунчалар тақомилга етказдиларки, аксарият ҳолларда жабрланувчилар мол-мулкидан, пулидан ёки зеб-зийнатларидан айрилиб қолганларини анча пайтгача сезмайдилар. Юқорида кўриб ўтилган мисолда бунга амин бўлди.

Жиноий жазолар либераллаштирилмаётган ҳозирги даврда чўнтақкесарлик, яъни ўғрилик анчайин енгил-елпи жиноят бўлиб туюлиши мумкин. Аммо аслида бундай эмас, чунки ўғри ўз жиноий хатти-ҳаракати билан фуқароларнинг ҳақсий мулкига тажовуз қилади. Ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти куриш йўлидан кетаётган мамлакатимизда бундай жиноятлар битта бўлса ҳам кўп ҳисобланади. Шу боис, бундай жиноятларнинг пайини қирқиб, бартараф этиш долзарб масалалардан биридир. Шу билан бирга фуқароларимизнинг ўзлари ҳам эҳтиёткор бўлишлари лозим. «Ўзинга эҳтиёт бўл, қўшининг ўғри тутма», деган мақол бежиз айтилмаган ахир.

Бахриддин ТУСУНОВ,
Учтепа туман прокурори



Фуқаро қачонки ўз ҳақ-ҳуқуқлари паймол этилганда умид билан юқори идораларга мурожаат қилади. Уларнинг қонуний ҳал этилишида эса прокуратура ходимларининг ҳам ҳиссаси каттадир. **Суратда:** Хоризм вилояти прокуратурасининг биринчи ўринбосари Ибраҳим Даветов бўлиб бошлиғи Уаубек Қуръатов билан мурожаат қилиб келган фуқарони қабул қилаётган пайт.

Инсон — барча мавжудотлар ичнда энг олий ҳилқат. Бу номга том маънода лойиқ бўлиш фақат унинг ўзига боғлиқ. Бироқ оранизда баязи қимсаларнинг ўз шаънига доғ тушираётганлиги дилини хира қилади. Улар инсон ҳаётига зомин бўлувчи турли оғуларни еттиштириб, қўп-ларнинг умрига зомин бўлишмоқда. Гиёҳвандлар сони йилдан йилга кўпаяётгани, айниқса, уларнинг аксарияти ёшлар эканлиги ачинарли ҳолдир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тарқатган маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда ер юзнда гиёҳвандликка мубтало бўлганлар сони 200 миллиондан ошиб кетган.

Иллатнинг илдизи

унга болта урмоқ ҳар бир фуқаронинг бурчидир

Мамлакатимизда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан ноқонуний муомала қилишга қарши изчил кураш олиб борилмоқда. Бугунги кунда жаҳонда еттиштирилмаётган героиннинг 75 фоизидан Афғонистон ҳиссасига тўғри келади. БМТ экспертларининг таъкидлашича, афғон заминидан 100 дан ортиқ героин ишлаб чиқарувчи фабрикалар мавжуд. Халқаро нарқокорчалонлар ўз маҳсулотларини Европага етказиш учун марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудидан қулай транзит йўли сифатида фойдаланишни кўзламоқда. Давлатимиз ҳам хавфни аниқлаш ва унинг олдини олиш учун барча имконият ва воситаларни ишга солмоқда.

Ҳасан Ражабов билан Баҳром Мадалиев оқ-қорани таниган, ёшлари улғайиб қолган бўлса-да, оғуфрушлик йўли билан ҳаром пул орттиришга ружуққўйилган экан. Йўқи ҳамтовосқ кўшни Қирғизистон Республикасидан қонтранбанд йўли билан гиёҳванд моддалар олиб келиб, бир неча баробар қимматга пуллашаётганда кўлга олинди. Уларнинг жиноий қўлмишга ҳуқуқий баҳс берилиб, ҳар иккиси суд томонидан тегишли жазага тортилди.

Шубҳасиз, бу ижтимоий иллатга қарши курашининг самараси, аввало, айбдор шахсларга адолатли жазо тайинлаш билан боғлиқдир. Мазлумотларга қараганда, бу тоифадаги жиноятларнинг ижтимоий хавфлиги эътиборга олинган ҳолда, жиноят кўчасига биринчи марта тасодифан кириб қолган, жамиятдан ажратмай қайта тарбиялаш имконияти бўлган айрим шахсларга ҳамда қонун меъёларини қўлашда имтиёзлар берилган алоҳида тоифадаги кишиларга нисбатан инсонпарварлик, одиллик тамойиллари асосида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам бу қонуний имтиёзларнинг аҳамиятини тўғри тушуниб, ўзларига тегишли хулоса чиқариб олаётти деб бўлмайди. Айримлар ҳатто тўзалмиш йўлга кириш ўрнига қасддан янги жиноятлар содир этаётгани ҳам сир эмас.

Тўрақўрғонлик Уринбой Тожибоев ҳам тумандаги «Файрат-Асадбек» фермер ҳўжалигида бинийиш қорювул бўлиб ишлаб юрганди. Нима бўлди-ю, гиёҳванд моддалар истеъмол қилувчи бангиларга қўшилиб, ўзи ҳам шунсиз туролмайдиган бўлиб қолди. Бунинг устига атрофига уч-тўртта ўзи каби «кўнгил қуларини» тўпалаб, фермер ҳўжалиги қорювул-ноҳасини бангиларга айлантди. Кунда-кунора бу ерда уюштирилаётган яширин «ўтириш»дан хабар тошган ҳуқуқ-тартибот ходимлари ушбу бедодликка нуқта қўйишди.

Бу каби оғрикчи мисолларни ҳуқуқчи муҳофазаси қилувчи органлар фаолиятдан қўлга келтириши мумкин. Айниқса, мазкур жирқан ишга аёлларнинг, вояга етмаганларнинг ҳам аралашиб қолаётганликлари бизни янада оғох ва хўшёр бўлишга ундайди. Зеро, мақсадимиз эртанги келажакимиз эгалари — ёш авлодни ҳар тарафлама етуқ, соғлом, баркамол инсонлар сифатида тарбиялаш экан, фарзандларимизни аср вабосини ҳисобланган захри қотил домига тушиб қолишдан асрайлик.

Бахтиёр НАБИЕВ,
Наманган вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

НАФС ДОМИДА

Қалбаки ҳўжат ҳудди қоғоздан ясалган уй каби дастлабки ёмғирданок парча-парча бўлиб кетиши ишонмасдан, шу ёмғирдан куруқ қиқиб кетишга умид қилган одам ҳар доим адашади. Чунки нафс илдиндаги бундай одам бир кунмас-бир кун балик каби тумшугидан илиниши аниқ. Оранизда давлатимизнинг болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида олиб бораётган ишларни ўз нафси доирасида тушунадиганлар ҳамон учраётганлиги ачинарлидир. Яқинда Ҳамза туманида икки ёшгача бўлган болаларга берилаётган нафақанинг қонунга мувофиқлиги ўрганилганда айрим маҳаллаларда масъул шахслар мансабини сунистеъмол қилиб нафақаларни ўзлаштириётганлиги аниқланди. Хусусан, З.Турдубоев маҳалла раиси бўлиб ишлаб келган ҳолда шу МФЙ котиби вазифасида ишлаётган Э.Латифова билан болалар нафақасини ўзлаштириш режасини тузиб, бунинг учун «мижоз» топиш пайига тушади. Шу мақсадда улар М.Нодированинг фарзанди борлигидан фойдаланиб, унинг номидан ариза ёзиб, имзосини қалбакилаштиришди.

Шундан сўнг З.Турдубоев ва Э.Латифовалар 2005 йилнинг июн ойида М.Нодированинг қизи учун нафақа тайинлаш мақсадида тўлдирилган оиланинг моддий ва мулкий аҳолини текшириш далолатномасидаги комиссия аъзоларининг имзоларини ҳам сохталаштиришди. Бунинг натижасида иккаласи 2005 йилнинг июл ойидан 2006 йилнинг март ойига қадар 141.010 сўм маблағни ўзлаштиришди.

Албатта, биргина ҳолатдан тегишли хулоса чиқариш кийин, аммо бундай ҳолат бошқа жойларда ҳам юз бераётганлиги ачинарлидир. Масалан, тумандаги маҳаллалардан бирида содир этилган ҳудди шундай ўзлаштириш биров бошқачароқ кўринишда амалга оширилган.

Қинғир ишнинг қийғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади деганларидек, айбдорларга нисбатан қонуний чора кўрилди.

З.МИРМАҲМУДОВ,
Ҳамза туман прокуратураси терговчиси

Марғилон шахар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими ходимлари зиммаларидаги вазифани сиқидилдан бажаришмаяпти. Амалдаги қонунлар, фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш чорасини кўришмаяпти. Бўлим фаолиятида йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатлари ҳақиқий аҳвол ўрганилмаётгани, ишга юзак қаралаётгани, режалаштирилган тадбирлар қоғозда қолиб кетаётгани, назоратсизлик, сустқошлик каби иллатларнинг аччиқ мевасидир. Бўлимда «Меҳнат органларида фуқароларни рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, шимизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низоом талабларига риоя қилинмаган. Бунинг оқибатида шахар ҳокимлиги ишлаб чиққан «Аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш дастури» тўлиқ бажарилмаган. 2006 йилнинг биринчи чорагида 998 киши иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинди, 127 нафар ишсиз ушбу рўйхатга киритилмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Ишсизлик ўтқир муаммо

Дастурга асосан илгари ишсиз сифатида рўйхатга қўйилган 1037 киши ишга жойлаштирилиши лозим эди. Аслида 169 нафари иш билан таъминланган, холос. Утган ярим йилда биронта фуқаро қайта касбга тайёрлашга юборилмаган. Ҳа оё мобайнида эса жамоат ишларига умуман жалб этилмаган. «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддаси талаблари қўпол равишда бузилган.

Бўлим ҳудуд нозирлари ҳар ярим йилда камида бир марта ҳовлима-ҳовли юриб сўров ўтказиш, аниқланган ҳар бир ишсизга белгиланган тартибда «Иш билан таъминланган аҳолини рўйхатга олиш варақасини» тўлдириш, уни умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун топшириш каби бевосита вазифаларини адо этишмаган. Бўлим бошлиғи маҳалла фуқаролар йиғини раислари билан келишилган ҳолда сўров ўтказиш муддати ва жадвалини тўздириб тасдиқламаган.

Бундан тўғрисидаги ҳисовот тузиш бандликдай ўтқир муаммони ҳал этиб бориш ўрнига газак олдирадиган холос. Шаҳар ҳокимлигига киритилган тақдимнома кўриб чиқилиб, меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофазаси қилиш бўлими бошлиғи Ф.Ҳақимов лавозимдан бўшатилади. Қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш, ушбу соҳадаги ишни жонланттириш чоралари қўрилмоқда.

Шаҳар прокуратурасининг ташаббуси билан «Турон», «Маориф», «Ёвқочар», «Йўрмадўз», «Тошкесар», Охунбоев, Бобур, Аҳмад Ясасвий номи маҳалла фуқаролар йиғинларида меҳнат бўлимига мурожаат этмаган иш қидирувчиларни аниқлаш мақсадида мониторинг ўтказилган эди. Бироқ меҳнат ва бандлик бўлими икки ой мобайнида ушбу мониторингда ишсиз сифатида рўйхатга олинган 208 нафар кишини ишга жойлаштириш, қайта касбга тайёрлаш ёки жамоат ишларига жалб этиш чорасини кўрмади. Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонуннинг 16-моддаси 4-бандида қўрсатилган меҳнат бозорининг ҳолати ва истиқболини баҳолаш, мониторинг ташкил этиш ва ўтказишдан иборат вазифасини ҳам бажармади. Утган тўрт ой мобайнида бирон марта меҳнат ярмаркасини ўтказмади.

Марғилон азалдан ҳўнармандлар шахри. Президентимизнинг «Йирик саноат қорхоналари билан қасаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кен-

дандлик бўлими қасаначилик юзасидан мониторинг ўтказиб ушбу қорхоналарга таклиф киритмагани туфайли фармон ижро этилмай қолаётти. Марғилондаги «Майши хизмат кўрсатиш» МЧЖнинг тўқувчилик соҳасида 30 та, қосибчилик борасида 30 та уй меҳнатини ташкил этишга оид бўлимига тақдим этган режаси буйича бирон-бир таклиф тайёрланмаган, ҳеч қандай иш қилинмаган. Бўлим ходимларининг масъулиятсизлиги оқибатида режа қоғозда қолиб кетган.

Маҳмуджон ҚАЮМОВ,
Марғилон шахар прокурори

Qayerdan:

Xatlar va aloqalar bilan sahifasi

Qayerga: Toshkent shahri, akademik Axbulot Fayzov k. 66. «Huquq» gazetasini nashriyatiga, 700047

«Хар қандай босилган қадим олдидан мувоҳаза қилнади, айрим шахслар бир неча соат ва дақиқалар давомида фикр юртадилар. Жамият эса 10 йиллар бадалида ўйга толади».
Лев ТОЛСТОЙ

Жамиятнинг йиллар бадалида ўйга толиши — фарзандларимизнинг ўн йил мобайнида мактабда таълим олиб, келажак ҳаёти, қолаверса жамият учун фойдаси тегадиган шахс бўлиб етишишларида пойдевор ўрнатиллари, танлаётган касб-кори учун тамал тоши қўйиши бўлса ажаб эмас.

Мактаб шундай даргоҳки, у ерда ёрқин келажак вояга етади. Бу муқаддас гўшанинг кишилар норозилигига дучор бўлиши оқибатида кундан кунга шикоятларнинг ортиб бориши ачинарли.

Йил бошидан бери тахририятга келган хатларнинг айримлари айнан мактаб ва мактаб директорларининг, вилоят ХТБлари томонидан содир этилаётган қонунбузилишлар устидан ёзилган шикоятлардир. Келинг, яхшиси уларга бир назар ташласак:

«...Маънавий жиҳатдан қолоқ бўлган, ўзининг ноҳўя ишлари билан муҳитни бузаётган бир шахснинг фарзандларимиз таълим-тарбия олаётган муқаддас гўшадар раҳбарлик қилишига эътироз билдирамиз» — дейди Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Қўштанг жамоа ҳўжалиги аҳолиси вакили Эргаш Хўшмонов. «О.Абдуравулова 10 йилга яқин мактабда директорлик қилди. Кишлоқ хотин-қизлар вакили сифатида қишлоғимиз ва мактаб жамоаси ундан жуда кўп эзгу ишларини умид қилди. Афсуски, у шахс мутахассислиги тўғри келмас экан, ҳам дарс ўтиш борасида «оилавий» л а ш т и р и ш йулига ўтиб олди».

Шикоятда ёзилишича, директор оиласидегиларнинг деярли ҳаммасини мактабдан маош оладиган қилиб қўйган. Фарзандларига улар тоифа даражасини олманган ҳолда I ва II тоифа билан иш ҳақи тўлаб келган.

Ушбу хатта Шеробод туман халқ таълими бўлими мудир Б.Қиличев қуйидагича жавоб ўйлаган: «...Тумандаги 13-мактабнинг собиқ директори О.Абдуравулованинг ҳаракатларида жиноят таркиби бордек кўринади!» у томонидан давлатга етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги ҳамда қилган ишларидан пушаймонлиги сабабли «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллиги муносабати билан қабул қилинган амнияти» тўғрисидаги Қарорнинг 5-моддасига қўра унга нисбатан қўлланилган қисми ҳаракатдан тўхтатилган.» (2006 йил 30 январ кунги тахририятга берилган жавоб хатидан).

Худди шу каби ҳолат Жиззах вилоятидаги Т.Назаров номи 32-ўрта мактаб раҳбари А.Пармоновнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари бўйича келган шикоят юзасидан ўтказилган текширишлар натижасида ҳам кузатилади.

«Текширишда ҳақиқатдан ҳам мутахассисликка эга бўлмаган

ўқитувчилар, жумладан 1983 йилда туғилган, Самарқанд қишлоқ ҳўжалиги институти агрономия факультетининг 3-курс сиртки бўлим талабаси Бекзод Усканов 2003 йилда вақтинчалик 2-синф ўқувчиларига дарс бериб, 2004 йилдан бошлаб юқори синф ўқувчиларига мутахассислиги тўғри келмас-да, биология, география фанидан дарс бераётганлиги ва синф раҳбари эканлиги аниқлан-

Ўз билимда жиддий камчиликлари мавжуд тарбиячи болалар билан савиясини қандай талаб қилади? Юқорида бўлим мудирининг жавобидан куриладики, қийин вазиятдан чиқиш мақсадида номухтассис кадрлар билан иш олиб борилган. Булар ҳали ҳаммаси эмас. Шу каби аризаларнинг саногини яна ҳам келтириб ўтишимиз мумкин. Масалан, Самарқанд вилоят Пастдаргом туманидаги 72-ўрта мактабнинг директори Бону Ҳусановнинг, Хоразм касб-ҳунар коллежи раҳбари Б.Раҳмановнинг, Поп туман 10-ўрта мактабнинг директори С.Бозоровларнинг ўз хатти-ҳаракатлари билан мактаб бюджетига келиб тушиши керак бўлган маблағларни талон-тарож қилганликлари, фан ўқитувчиларининг ўз мутахассисликларини бўйича тўғри тақсимланмаганлиги ва ҳоказолар тўғрисида арз қилинган шикоят хатлари қўлиб келиб турибди.

...Умид билан жат ёздим

ган. Шунингдек, 1985 йилда туғилган Г.Маҳмудова 2001-2003 йиллар Зомин туман тиббиёт коллежида ҳамшира мутахассислигини олиб, 2005 йил сентябр ойидан бошлаб 32-ўрта мактабнинг 1-«в» синфида дарс бериб келётганлиги маълум бўлган».

Қайд этилган ҳолатларнинг келиб чиқишини туман халқ таълими бўлими мудир Х.Яхшибоев асосан соҳавий кадрларнинг етишмаслиги билан изоҳлаб, ҳозирда

!!! ...боланинг, ҳатто кичкинагина бўлса ҳам, айбини яшириб бўлмайди. Акс ҳолда кичик жиноятдан катта жиноят ўсиб чиқиши мумкин.

номутахассис ва но-педагог ходимлар малака ошириш институти қошида очилган ходимларни қайта тайёрлаш бўлимида ва Педагогика институтиларининг махсус сиртки бўлимида ўқиш учун жалб қилинаётганлигини айтган.

Бир қарашда жавоб ўзини оқлагандай. Бироқ, тўлиқ маълумот олманган ёки бошқа касб эгасининг ўқитувчилик қилишини қандай тушуниш керак? Яна шундай «ўқитувчилар» дарс ўтган бошланғич синф ўқувчиларининг саводхонлиги қай аҳволда бўлади? Бекорага халқимиз «Энг пиру бадавлат одам — ўқитувчи, у дунёдаги ҳар қандай гавҳардан ҳам қимматли бўлган инсон фарзандини вояга етказди», деган. Номукамал, номухтассис ўқитувчилар қўлида таълим олган ўқувчи чала билимлар билан мактабни битириши қанчалик аянчли...

Ҳар қандай балид минорага пастдан чиқилганидек, илм чўққисига йўл бошлангич синфдан бошланади. Шу пайтдан келажакка мустаҳкам тамал тоши қўйилади. Фирт нодонлик — бу ҳали у қадар иллат эмас, саёз ўлаштирилган билимларни жамлаш ундан баттарроқдир, деган эди Афлотун.

Яқинда тахририятимизга аноним тарзда келган шикоят хати ўз эътиборимизни тортиди. Норин туманидаги 14-сонли аниқ ва табиий фанларга ихтисослашган мактаб-интернатнинг директори Х.Мелибоевнинг хатти-ҳаракатлари ҳайрон қолари даражада баён этилган. Шулардан баъзиларини келтириб ўтсак:

«...ҳозирги кунда мактабда 440 нафар ўқувчи бор. Охириги 3 йилни ҳисобласан 2003-2004 ўқув йилида 6 мингдан, 2004-2005 йили 8 мингдан, 2005-2006 ўқув йилида 10 мингдан ремонтта пул йиғилди. Ундан ташқари янги қабул қилинган 7-синфлар учун алоҳида ремонт пули олинди. 2005 йил эида 7-синф ўқувчиларининг ҳар бирдан 30 мингдан ремонтта деб пул йиғилган. Орадан етти ой ўтгач, апрел ойида ана ўн мингдан жами 40 минг сўмдан ремонт пули йиғилган. Ундан ташқари барча ўқув синфхоналарини безатиш учун парда, чойиш, қандил ва стол-стул ремонтти учун яна 4 мингдан пул йиғиб олинди. Лекин, ётоқхоналарда ётадиган ўқувчилар хонтахта, стол-стул, палос ва вешалкаларни ўзлари билан олиб келишлари шарт...»

Хатда ёзилишича, агар керак бўлса ҳокимият томонидан мактаблар ремонтти учун етарлича ҳомийлар топиб берилганлиги ва бунга эътибор қаратилганлиги баён этилган. Дарс олиш, таълим-тарбия олиш ўрнига фақат мактабнинг ташқи курагини учун болалар меҳнатидан фойдаланиб, ўқув машғулотларидан чет-лаштирилишини қандай изоҳлаш мумкин? Бола эртанги кунини, ҳаётни шу улуг даргоҳда танийдиган бўлса, мана сизга мактабдаги аҳвол!

«Жорий йилнинг 4 январ кунги фарзандим Мирзаева Фотима ёшани билан 40 балл йиғганлигига қарамли, уни 27 балл билан учинчи ўринни олган ўқувчининг ўрни билан алмаштирилган тийишмади — деб ёзди фуқаро М.Мирзаев. — Қизим Чуст шаҳридаги 7-сон

ихтисослашган мактаб-интернатнинг 11-синфида ўқийди. Унга рақиб бўлган ўқувчига ҳеч қандай (сунъий ғов) тўсиқ бўлишни истамайман. Лекин, I, II, III ўринларнинг иқтисод билимлар асосида эквивалент кучини билмоқчи эдим. Қолаверса, ўқувчи фарзандимнинг билим савиясини синаш орқали олимпиада кун ишлатилган тест

!!! ...тўлиқ маълумот олманган ёки бошқа касб эгасининг ўқитувчилик қилишини қандай тушуниш керак?

кучидан кам бўлмаган синов ўтказиб, фарзандимнинг камчилиги устида ишлаш эди. Шу мақсадда хатимни «Давлат тест» марказига юборгандим. Аммо ҳеч қандай жавоб олмадим». Ўқувчи билимини баҳолашдаги адолатсизлик, кўзбўямачилик халқни жаҳолат ботқоғига ботиради — дейди марҳум филология фанлари доктори У.Раҳимов. Аммо начора, шундай

шқа буюмлар далилий ашё сифатида олинган». Жиноятчиларни тегишли жазога тортиш мақсадида жиноят иши айблов ҳулосаси билан 2006 йил 12 апрел кун Муборак туман судига юборилган. Аммо, жабрланувчиларга етказилган зарарнинг ундирилиши ҳақида маълумот берилмаган.

Урта-чирчиқ туманида яшовчи фуқаро М.Худойназаров номаълум шахслар томонидан бир бош қорамоли ўғирланганлигини, ўғирликда баъзи бир шахслардан гумони борлигини айтиб, тахририятга шикоят хати йўллаган эди. Тегизлиги бўйича тахририят аризани Ташкент вилоят прокуратурасига юборди. Аниқланишича, мол ўғирланган вақтда жабрланувчи ариза билан туман ИИБга мурожаат этмай,

ҳолатлар ҳам афсуски, учраб турибди.

«Термиз тумани «Мангузар» маҳалласидаги тўртта хонадоннинг сизгирга ўғирланди. Бешинчи бўлиб менинг ҳам сизгиримни ўғирлашди, — дейди аризачи Б.Амонтурдиев. — Туман прокуратурасига мурожаат қилдик. Прокуратуранинг эътибор билан олиб борган ишлар натижасида бир кечада ўғирлар ушланди... Агар биринчи ёки иккинчи сизгир ўғирланганда озгина эътибор берилганда уч-тўрт хонадон эгаларига моддий зиён етмаган бўларди.»

«Мазкур жиноят иши тергов натижалари бўйича ўғирликни Узун туманида яшовчи уч нафар йиғитлар содир этганлиги аниқланган, — дейди Сурхондарё вилоят прокурори вазифиниси бажарувчи Б.Эргашев. — Ҳар учала жиноятчига нисбатан тегишли жазо тайинланиб, фуқаро Б.Амонтурдиевга етказилган 350.000 сўм моддий зарар судланувчилардан солидар тартибда қонунида белгиланган тартибда ундирилади.»

«...Мен болаларимни ўқитиш ва уй-жойни қилиш мақсадида оилам билан 12 нафар мол-ҳўл қилдим, у ҳам менга насиб қилмади... Ўғирларга насиб қилди.» Муборак тумани «Ўлшан» маҳалласида яшовчи Ж.Ҳазратов шу тумандаги ёлғиз жабрланувчи эмасди. Вилоят прокурорининг ўринбосари М.Каримовнинг тахририятга берган жавобидан шу маълум бўлди.

«Жиноят иши бўйича олиб берилаётган дастлабки тергов давомида, жиний гуруҳ фуқаро Оқбўтаев Ярашнинг жами 4 бош — 1.160.000 сўмлик қорамолларини, фуқаро Эргашев Сайфуллонинг 1 бош — 520.000 сўмлик қора молини, Ж.Ҳазратовнинг 12 бош қорамолларини ўғирлашиб, Косон ва Касби туманида яшовчи муқаддас судланган ва бошқа шахслар орқали сўйиб ёки тирик вазнда бозорларда сотишганлари аниқланиб, тери ва ишга алоқадор бо-

ўзи қидириб топишга ҳаракат қилган. Бироқ бирор натижага эришмаганидан сўнг 2006 йил 20 феврал кун ариза билан Уртачирчиқ тумани ИИБга мурожаат этган.

М.Худойназаровнинг ўғирликда гумон қилган гумондорлари сўроқ қилинган. Бироқ уларнинг жиноятга алоқадорлиги ўз тасдиғини топмаган.

Ҳозирги кунда мазкур жиноят иши юзасидан вилоят прокуратураси томонидан назорат ўрнатилганлигини вилоят прокурори ўринбосари А.Нисёев маълум қилган.

Ўғирлик бу жаҳолатнинг бир кураиниши эмасми? Жаҳолат қардан келиб чиқаяпти? Бир жойда яшаб, бир-бирини таниб шундай ишларни қилишга журьат қилаётганлар ота-она ўғитини, мактабнинг таълим-тарбиясини олган фарзандларимиз эмасми? Яна беихтиёр мактаб мавзусига қайтамиз. Яна ўқитувчига, ота-она тарбиясига ургу берчимиз. Зеро, боланинг, ҳатто кичкинагина бўлса ҳам, айбини беркитиб бўлмайди. Акс ҳолда кичик жиноятдан катта жиноят ўсиб чиқиши мумкин. Халқимиз нинга ўғирланган тую ҳам ўғирлайди, деб бекорага айтмаган. Тан олишимиз керакки, мустаҳкам қўйилмаган пойдевор, вақтида берилмаган илм фарзандларни, инсонни чаласаводликка олиб боради. Юқоридаги фикрларимизни бир-бирига боғлашларимиз сабаби ҳам шунда. Уйда ота-она фарзандининг қадамини назорат қилиб, вақтида тўғри тарбия бериб бурса, ўқитувчи учун жуда катта қўмак бўлиши мумкин. Шу ўринда А.Фитратнинг «Тарбиянинг ҳар бир қисми тувилшди, деган 7-шарҳ аввал ота-она зиммасига тушади. Саккиз ёшдан 20 ёшга чамактаб ва мадраса зиммасига, кейин умрининг охиригача ўз бошига тушади», деган сўзини келтиришни лозим топдик. Зеро ҳар қандай қилаётган ишимиз, бажарилган амалиямиз доимо эъзулик, яхшиликлар учун туртки бўлса деган ниятдамыз.

Маъмура ДҮСТӨРОВА, хатлар бўлими муҳаррири

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ҳаётимиздаги ўзгаришларнинг матбуотта ўтказган таъсири ҳамон ёдимизда. Бозор ислохотлари шарофати билан қўлидан иш келадиган одам борки, ўзини тadbиркорликка ура бошлаган эди. Орзуга айб йўқ деганларидек, матбуотнинг эртасига иккиланиб қараган айрим ҳамкасбларимиз ҳам каламни тижоратга алмаштиришди. Бу оқим тижоратчиларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратди. Хуллас, ҳаёт ҳаммасини жой-жойига қўйди. Миллий матбуотнинг турғунлик даври ортда қолиб,

юқсалиш босқичига киргач, касбини ўзгартирган кўплаб журналистлар яна қадрдон тахририятларига қайтиб кела бошлашди.

Эврилишлар даври ортда қолди. Биз, журналистларнинг йўқот-

ўзига хос ривожланиш йўлини босиб ўтди деб бемалол айта оламиз. Президентимизнинг ОАВга бўлган доимий эътибори ва ишончи, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши, сўз ва ахборот олиш эркинлиги, жур-

наристларнинг ихтисослашуви, тахририятларнинг кўплаб ёш иқтидорли кадрлар билан қулайтирилаётгани матбуотнинг ижтимоий мавқеини тиклашга хизмат қилди.

Ахборот глобаллашуви шаро-

суръатларда кириб келаётгани ОАВларнинг жамиятда тутган ўрнини янада юқори погоналарга олиб чиқини тақозо этмоқда. Олий Мажлис палаталарида ОАВ тўғрисидаги қонуннинг янги тахрирдаги лойиҳаси қабул қилинган бу жараён чуқурлашиши шак-шубҳасиздир. Миллий матбуотимиз ҳаётдаги ангиланишлар эса ОАВ, радио ва телевидение сифат ўзгаришлари босқичига ўтганидан дараж беради. Бу тақдирини халқ билан боғлаган журналистларнинг янгича фикрлаш ва янгича ёзиш имконияти янада кенгайишига олиб келади.

Бахтиёр НАЗАРОВ

Азиз бўлди қалам бизга.

гандан топганимиз юз чандон кўп бўлди, эркин ижод имкониятининг эшиклари кенг очилди. Ижод аҳди учун озод миллат, ватан манфаатидан кўра улутроқ манфаат йўқ. Шу туйғу туйғайли қалам бизга азиз бўлган бўлса не ажаб.

15 йил ичида ўзбек матбуоти

налистлар ҳуқуқларининг қонун билан қафолатланганиги, цензуранинг бекор қилиниши, юзлаб хусусий газета ва журналлар, телерадио каналларнинг ташкил топиши, журналистлар ижодий уюшмасининг қайтадан тузилиши, тармоқ нашрларнинг ривожланиши,

итида давр шиддатининг садоси матбуот ҳаётида тобора баралла эшитилмоқда. Жамиятнинг ахборотта талаби ва эҳтиёжи йилдан-йилга қулайиб бораёпти. Информацион технологиялар, интернет ва бошқа тезкор ахборот узатиш шакллариининг ҳаётимизга жадал

— Бугунги матбуотимиз ва улардаги камчиликлар ҳақида нима дея оласизлар?

Сайди УМИРОВ, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг аудиовизуал журналистика кафедраси мудири, доцент:

— Мустақиллик ҳақида сўз борар экан, аввало, 1991 йил ёлга олинади. Ҳаққоний гап буларга сони кескин камайиб кетган эди. Бунга қарай тақчилликка йўшилди. Вақт ўтиб айрим газеталарнинг адади қисқариб, баъзилари ёпилиб кетди. Бугунга келиб эса республикамизда 1000 га яқин газета чоп этилади. Тан олиш керак, мустақилликка эришганимиздан сўнг ОАВга эътибор қулайтирилди. Аммо муаммо ва

бошқа унсурларига ҳам кенг йўл очилади. Жумладан, кейинчалик ҳукумат ва оммавий ахборот воситалари қарашларида фарқли жиҳатлар юзга келиши мумкин. Қандай тузум бўлишидан қатъи назар, ОАВ қонунилар доирасида иш қўриши лозим.

1997 йилдан бери то шу бугунгача ОАВ қонунчилиги билан эркинликка эришганимизга доир қонунилар қабул қилинмоқда. Бу эса цивилизация ва демократик жамият тараққиёти учун керак бўлган ҳусуниятлардан биридир. Учинчидан, матбуотимизнинг яна бир хусуниятларидан бири жамият ҳаётида энг долзарб ва керакли бўлган муаммоларни ёритишни биридир. Афсус, мана шу учинчи хусуният юртбошимиз ва бошқа назариётчилар томонидан таъкидлангани

ҳолда газета чиқариш ҳуқуқига эга бўлиб қолди. Газета чиқараётган инсонлар фақатгина ўз манфаатини ўйлабмаслиги керак. Аксинча, ҳар бир журналист жамият манфаатига хизмат қилиб, эл-юрт тараққиётига ҳисса қўшиши лозим.

— Хусусий газета-журналларга муносабатингиз қандай?

Сайди УМИРОВ:

— Илгари бу турдаги матбуот буржуа жамиятига хос нарса деб ҳисобланар эди. Энди замон ўзгариб, коммуниқацион технологиялар даврида хоҳлаймизми-йўқми бизга ҳам «сарик матбуот» кириб келди. Ҳозирги кунда айнан ўша «сарик матбуот» аудиторияси катталиги билан алоҳида ажра-

Давр журналистлик касби:

ТАЛАБ ВА МАСЪУЛИЯТ

нуксонлар ҳам йўқ эмас. Ҳозирги оммавий ахборот воситаларида конструктив ва танқидий фикрлар камлиги ёки такрорий фикрларни қузатиши мумкин. ОАВ материаллари фақатгина мақтов ва кулловлардан иборат бўлмаслиги керак. Ҳаётдаги муаммоларни бартаф қилиш учун танқидий ва ошқора фикрларни радио, телевидение ва матбуотда бериб бериш лозим. Ҳуқуқий ёки иқтисодий мазмуларда қалам тевратувчи журналистларнинг камлиги ҳақида муаммо бўлиб қоляпти.

Бойбута ДҮСТҚОРАЕВ, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг жаҳон журналистикаси назарияси, амалиёти ва тарихи кафедраси мудири, доцент:

— Мана, 13 йилдан бери ОАВ ходимлари касб байрамини нишонлаб келишяпти. Бу байрамнинг 27 июнда нишонланиши эса 1906 йил 27 июнда «Тараққий» газетасининг чоп этилиши билан боғлиқ. «Тараққий» ўша вақтда ўзбек халқининг миллий манфаатларини ҳимоя қилишга, миллий озодлик учун курашга жуда катта ҳисса қўшган. Матбуотимизнинг айнан «Тараққий» газетаси билан боғлиқлиги рамзий маънога эга.

Аввало, ОАВ давлат сиёсатини қўлаши керак. Маълум бир жамият тараққиётида шундай бир давр бўладики, кулач давлат юзга келганидан кейин демократиянинг

дек, кўнгилдагидек эмас. Нима учун? Эҳтимол бунинг айрим сабаблари борлир. Цензура 2002 йил 7 майдан расман бекор қилинган бўлса-да, лекин ҳануз бош муҳаррир ва бошқа мутасаддиларнинг ички цензураси мавжуд. Айнан мана шундай ички цензура журналистика олдига маълум маънода тўсиқ бўлиб турибди.

Мен бугунги ОАВ ходимларининг вазифасини шундай деб биламанки, улар маълумат олдига қўйилган вазифаларни, айнан ўша сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳалардаги ислохотларни ёритиши ва тартиб қилиши лозим. Шунингдек, ОАВ ходимлари жамиятимизда ёки борилаётган ислохотларга тўсиқ бўлаётган унсурларга қарши курашмоғи фарздор. Ҳар бир даврда жамиятнинг емирадиган бош иллатлар бўладики, матбуот уларни топиб, барҳам топишига ёрдам бериши керак. Булар қандай иллатлар бўлиши мумкин? Агар маҳаллийчилик, коррупция, юлғичлик, ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиш каби иллатлар йўқ қилинса, Ватанимиз бундан кейин ҳам тараққий этиб боради.

Оммавий ахборот воситаларининг қўлайиб бораётгани тенденциядир. Бундай хилма-хиллик эркинлик меваси бўлиб, хоҳлаган инсон қонуниларга амал қилган

либ туради. Бугунги кунда хусусий нашрларнинг мухлислари кўп, уларнинг савияси ҳам ҳар хил. Чунки кўнгилочар газеталарда қизиқарли ва олд-қочди материаллар, ранг-баранг суратлар газетхон эътиборини тезда ўзига торта олади. Бундан ташқари, одамлар бир хил газеталарни қўриб ва ўқиб чарчаган бўлишлари мумкин. «Сарик матбуот»ни ҳар доим танқид қилиш нотўғри. Баъзи жиҳатлардан «сарик матбуот»да тезорликни қузатишимиз мумкин. Масалан, кўтчиллик «Даракчи» газетасини севиб ўқийди. Шахсан ўзим бу газетанинг мухлиси кўп эканлигини қузатдим. Чунки бу газеталда интернетдан олинган, ўқувчиларнинг талабига мос хабарлар кўп берилади.

Бойбута ДҮСТҚОРАЕВ:

— Мен домланинг гапларига қўшишман. Дунё бўйича шундай йўл босиб ўтилганки, «сарик матбуот» доимо бўлган ва ҳозир ҳам бор. «Сарик матбуот» доимо ўз мухлисларига эга бўлган. Аслида давлат нашрлари юқори савиядаги мақолаларни чоп этиб, енгил-елли, ёлғон-яшиқ материаллар бериб борилуви «сарик матбуот»га макон қолдирмаслиги керак. «Сарик матбуот» билан давлат матбуоти ўртасида доимо рақобат бўлади.

Гули ҲОЖИБОЕВА суҳбатлашди

Матбуотни жамият кўзгусига қиёслашди. Кўзгунинг вазифаси эса воқеликни борица кўрсатишдан иборат. Бугунги матбуотимизнинг бу борадаги фаолияти талаб даражасидами? Матбуотимиз, хусусан, чоп этилаётган газеталар вазифасини қай даражада уйдламоқда? Бу соҳада нималар қилиниши керак? Умуман, бугунги газетхон газетадан нималарни кутмоқда?

Албатта, бу саволлар қамрови жиҳатидан жуда кенг ва баҳсли. Уларга дабурустандан жавоб топиш осон эмас. Шундай бўлса-да, тахририятимиз Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни арафасида юртдошларимизнинг газета ўқиш даражасини ва уларнинг талабларини ўрганиш мақсадида кичик тадқиқот ўтказди.

Тадқиқот натижаларини баён қилишдан олдин шунини айтиб ўтишимиз жоизки, тахририят мазкур сўровнома натижалари ҳақиқий ҳолатни акс эттирган деган фикрдан йироқ. Zero, ҳар қандай сўров ҳам ижтимоий фикрни аниқлаб беролмайди. Шундай бўлса-да, маълумот учун дастлабки натижаларни келтириб ўтамиз.


Ҳолисилик позициясини сақлаш мақсадида сўров турли соҳа вакиллари орасида ўтказилди. Шунингдек, респондентларнинг ўртача ёши 25-45 ёшларга тўри келиб, 31 фоизи олий, 44 фоизи ўрта, 25 фоизи эса ўрта-махсус таълимга эга.

Дабурустандан берилган «Газета ўқийсизми?» деган биринчи саволимизга респондентларимизнинг 68% «ха», 4%

«йўқ», 28% баъзида» деб жавоб беришди.


Демак, «одамлар газета ўқимай қўйди» деган гап-сўзларга ўрин йўқ.

«Мамлакатимизда чоп этиладиган қайси газетани доимий ўқиб борасиз?» деган саволга 1-жадвалда кўрсатилган жавобни олдик.



«МДХ, умуман, хорижда чоп этиладиган газеталардан қайсиларни доимий ўқиб борасиз?» деган саволга эса қуй-

дагича жавоб олдик: (2-жадвал)



«Мамлакатимизда чоп этилаётган газеталар замон талабига жавоб беради деб ҳисоблайсизми?» деган саволга респондентларнинг аксарияти (43%) «нисбатан» деган жавобни белгилангандан ҳам кўра, «ха» (26%) ва «йўқ» (27%) деб жавоб берилган дегирли тенг келиб қолгани бизни кўпроқ ажаблантирди.

«Сизнинг, республикамизда чоп этилаётган газеталарда қайси жиҳатларга кўпроқ эътибор бериш керак?» деган саволга сўралгандларнинг 40 фоизи «шоралик ва тахлилий ёндашуш», 26 фоизи «кичидийлик ва тезорлик», 34 фоизи эса «ранг-баранглик» деган жавобларни белгиланган. Демак, бугунги газетхонларимиз асосан ошқоралик руҳидаги тахлилий мақолаларни афзал қўригани ҳолда, ранг-баранг мазмулдаги мақолаларни ҳам маълум қўришар экан.

Мақола аввалида матбуотни кўзгуга таққослаган эдик. Ҳозирча сўнгги сўзимиз: «кўзгуга тез-тез қараб туринг, замондош...».

Қудрат ЭРНАЗАРОВ, ЎзМУ журналистика факултети декани, тарих фанлари доктори, профессор

Қадим-қадимдан боғ яратиш ҳақиқатда энг эзгу ва савоб ишлардан бири сифатида эътироф этилиб, бу ишга бутун элу юрт хайрихоҳлик билдирган. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратларининг Самарқанд атрофида Боғи Шамол, Боғи Баланд, Боғи Бехишт, Боғи Дилқушо каби ўнлаб боғларни барпо этганлари ҳам бежиз эмас, албатта. Муқаддас китобларда айтилишича, боғнинг мевасидан хатто бирор қуш истеъмол қилса ҳам боғдон ер юзидagi жамини ноз-неъматлардан садда қилганининг савобини олар экан.

Бироқ, фарғоналик ота-бола Усмонали ва Шоҳруҳ Исмоиловлар бир боғнинг Шетдан қарий олти йил сарсон бўлишиди.

Хўш, нима учун?
Бу саволга жавоб бериш учун гапни бир бошдан бошлаган маъқул. Бундан 12-13 йиллар илгари яна бир фарғоналик фуқаро Б.Умаров «Оқ ариқ» ширкат ҳўжалигининг 28-контурдаги 1,5 гектар ерга сарҳил мева кўчатларидан экиб, боғ барпо қилди. Кейинчалик 1997 йилнинг 24 июлида ана шу майдондаги мевали дарахтлар кўчмас мулк сифатида Б.Умаровга тегишли эканлигини тасдиқловчи шаҳар ҳўқимининг 730-сонли қарори ҳам қабул қилинади. Орадан бир ярим йилча вақт ўтиб эса Б.Умаров боғни ота-бола Исмоиловларга сотиб юборди. Хусусий нотариус Н.Сагаев томонидан бу хусусдаги олди-сотди шартномаси расмийлаштириб, 934-рақам билан қайд этилади.

Шундан кейин Исмоиловлар оиласи боққа бор меҳрларини бериб меҳнат қила бошлашди. Ававалига улар боғ атрофини цемент девор билан ўраб чиқиди. Сўнгра айрим дарахтларга турли-туман мева навларидан пайванд қилиш, лозим бўлган ерларга янги ниҳолларни ўтказиш, дарахтларни турли касаллик ва зараркундалардан сақлаш сингари барча зарур юмушларни бажаришди. Қарабсанки, бир йил ичида боғ янада чирой очиб, шаҳар хуснидаги холга айланди. Лекин...

Лекин Исмоиловлар бошлаган хайри иш узокқа чўзилмади. Чунки шаҳар ҳўқимининг 2000 йил 20 мартдаги 294-сонли қарори билан сотиб олинган боғ ўрни ёпиқ теннис корт ва Олимпия захиралари спорт коллежи қуриш учун ажратилиб, гуллаб турган боғ ваҳшийларча бузиб ташланди.

Яқинда Қорақалпоғистон Вазирлар кенгашининг мажлис залда Ўзбекистон Бош прокуратураси, Олий суди, Ички ишлар вазирлиги, ТДЮИ ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси президентининг ўлим жазосини бекор қилиш ва қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисидаги фармонлардан келиб чиқадиган вазифалар» мавзусида илмий-амалий семинар машғулот ўтказди. Уни Қорақалпоғистон прокурори Ҳакимбой Ҳалимов олиб борди.

ИНСОН ҚАДАР-ҚИММАТИ УЛУФ

Маълумки, 2005 йил 28 январ куни Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нуқтада суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият бериш лозимлиги, бу борада янги концепцияни жорий қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди. «Жинорий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан қонунчиликка бир қатор ўзгаришлар киритилди. Одил судловни амалга ошириш шаклларида бири — ярашув институтининг жорий этилиши мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлашда ижобий омил бўлди. Бу институтда миллий қадриятларимиз ўз аксини топапти. Инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, дахлсизлигини чеклаш билан боғлиқ бир қатор масалаларни судларга ўтказиш замон талабига айланди. Мазкур судларда республикада шахсни ушлаб

ди. Ушанда боғда 84 тул олхўри, 156 тул шафтоли, 178 тул ўрик, 8 тул анжир, 7 тул анор, 50 метр кв. ерда малина, 2,5 метр кв. ерда 72 тул терак, 6 тул уч йиллик хурмо, 6 тул уч йиллик ёнғоқ, 60 тул икки йиллик тераклар, 50 тул икки йиллик ток (узум)лар ва 0,5 га. майдонга экилган буғдой мавжуд эди. 21 апрел куни эса ҳўқимининг 477-сонли қарори қабул қилиниб, унда боғ эгасига боғ ўрнидан қуриладиган зарарни, кадастр ҳужжатларида ҳисобланган маблағни шаҳар ҳўқимлиги ва боғ эгаси билан ўзаро келишув шартнома асосида қоплашни кўрсатилди. Шаҳар ҳўқимининг мазкур қарорлари вилоят ҳўқимининг 15 май куни 149-сонли қарори билан тасдиқланди ҳамда қурилишни бошлаш учун рухсат берилди. Шундан кейин қури-

554-сонли қарори қабул қилинган, унга кўра Исмоиловларга янги боғ барпо қилиш учун «Оқ ариқ» ширкат ҳўжалигидан 1,5 гектар ер ажратиб берилиши зарур эди. Бироқ, ҳўқимининг айна қарори ҳам ҳадеганда ўз ижросини топавермади. Ота-бола Исмоиловлар бир неча марта озғак ва ёзма равишда ҳўжалик раҳбарлари, вилоят ва шаҳар ҳўқимлигидагиларга мурожаат қилишга ҳамки, уларнинг арзу доддини тинглайдиган, одам топилмади. Шундан сўнг улар мадад истаб, фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг эшигини қочкиди. Давоғларлар фақат олти йилдан кейин олинган қарорда шикоятдан 12.960.000 сўм ҳамда боғ атрофини девор қилиш учун сарфланган 4.154.749 сўмини, жами 17.114.749 сўм ундириб бе-

ҳал этилгунча давлат божи ва бошқа харажатларни тўлаш давоғларнинг зиммасидаги вазифа. Бироқ, шаҳар ҳўқимлигининг суд харажатларини тўлаи олмаглиги Исмоиловлар ҳам, вилоят суди ҳам жавобгар эмас. Шундай экан, Олий судга кассация шикоятини бериб, судлашнинг янги «услубини» яратиш ҳўқимлик ҳуқуқшуносининг ақлига қандай сийдийкин?

Бу ҳолат Олий судни таажублантиргани ҳам шубҳасиз. Бинобарин, Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати ажримни билан иш қайтадан қуриш учун яна биринчи босқич судига қайтарилди.

Фуқаролик кодексининг 164-моддасига кўра мулк ҳўқуқи шахсининг ўзига тегишли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини

8.300.200 сўмини ташкил қилади.

Шуниг учун иш қайтадан қўрган биринчи босқич суди Фарғона шаҳар ҳўқимлигидан ота-бола Исмоиловларга 8.300.200 сўм моддий, 100.000 сўм маънавий зарар, жами 8.400.200 сўм ундириш. «Оқ ариқ» ширкат ҳўжалигига «Исмоилов Шоҳруҳ» фермер ҳўжалигини ташкил қилиш учун 1,5 га. ер ажратиб бериш ва узок муддатли юқара шартномасини тўзиш мажбуриятини юқлаш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилди.

Буни қарангиз, шаҳар ҳўқимлиги яна апелляция шикоятини бериб, ўзини оқламоқчи бўлди. Лекин апелляция ҳайъати ўнинг талабини рад этиб, биринчи босқич судининг ҳал қилув қарорини ўзгартирмасиз қолдирди.

Шу тариқа моқаро яқинга етиб, масала ўз ечимини топди. Аммо бузилган боғ ўрни ҳозир ҳам вайрон ҳолда ётибдики, қўрган кишининг юраги эзилди.

Тўғри, истиқлол йилларида республикамизда спортга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бир-биридан мухташам спорт мажмуалари, майдонлари, шу йўналишдаги янги таълим муассасалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Деярли ҳар бир маҳаллада турли-туманда спорт тўғрисидаги фуқароликнинг бошланиши бўлди. Уларнинг барчаси янгидан-янги спорт жиҳозлари билан таъминланди. Негаки юртбошимиз таъбири билан айтганда, ҳеч бир нарса мамлакатни спорт қачин тезда дунёга танита олмайдди. Бироқ, бу ислохотлар жамият ҳамда фуқароларнинг бошқа ҳуқуқ ва манфаатларига зиён етказиши мумкин эмаслигини шаҳар ҳўқимлиги мутасаддилари тан олмай адолатсизлик қилишди. Назаримизда ҳўқимликдагилар муқтарам президентимизнинг халқ депутатлари вилоятлар кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларда халқимизнинг ҳар қандай қийинчиликлари чидashi мумкин-у, аммо адолатсизликка тоқат қилмасайди, дея қайта-қайта таъкидлаганини эшитишмаган кўринади. Йўқса, жиддий қўнғилсизлик ва асаббузарликларни келтириб чиқарган, шу билан бирга ўзларига қимматга тушган юқоридagi машамани бошламаган бўлишарди.

Муҳаммадхон АБДУЛЛАЖОНОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори.
Баҳодир РАҲМОНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг судьяси

лиш пойдеворини қуйиш учун тегишли ўлчамдаги чуқурлик қазилди. Аммо орадан бир йил ўтган, яъни 2001 йилнинг 30 мартда вилоят ҳўқимининг 345-сонли қарори қабул қилиниб, шаҳар ҳўқимининг юқоридagi икки қарори бекор қилинди ва теннис корти қурилиши шу ердаги йўлнинг нариги ёқасига, Олимпия захиралари спорт коллежи қурилиши эса Фарғона механика заводи ҳовлисига қўйилди. Натижада қавлаб қўйилган боғ ўрни хувиланганча қолиб кетди.

Ота-бола боғни сотиб олмасларидан аввалроқ боғдорчиликка ихтисослашган «Исмоилов Шоҳруҳ» фермер ҳўжалигини ташкил қилиш учун ер сўраб мурожаат қилишганди. Шу босиб боғ бузиб ташланишидан 10 ой аввал шаҳар ҳўқимининг 18 майдаги

ришни сўрашди.

Мазкур иш суднинг 2004 йил 24 март куни мажлисида қурилиб, даъво тўлиқ қаноатлантирилган. Шунга асосан суд ижрочилари томонидан ҳал қилув қарориди кўрсатилган маблағнинг 2.700.000 сўми ундирилганди. Лекин шаҳар ҳўқимлиги бундан норози бўлиб, апелляция тартибиди шикоят берган. Ҳўқимият шикоятни беришга беради-ку, аммо ишни қуриш билан боғлиқ давлат божи ва бошқа харажатларни тўламади. Шу сабабли апелляция шикояти оқибатсиз қолдирилди. Энг қизиги шундаки, ҳўқимлик бу гал ҳам ўз айбини тан олишини истамади. Аксинча, Республика олий судига кассация шикояти билан мурожаат қилди.

Кези келганда шун и айтиш лозимки, иш судда қурилиб, масала

қўзлаб эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳўқуқини ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузилиш бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидир. Ушбу кодекснинг 985-моддаси эса раёққонуний харакат (харақатсизлик) тўғрисида фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар зарарини етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажда қоплашни шартлигини қатъий белгилайди. Фарғона мева-кўчатчилик ҳўжалигиди олинган хулосага мувофиқ Исмоиловларга етказилган жами моддий зарар суммаси шунча даромадни олиш учун қилинадиган сарф-харажатдан ташқари ҳамда дастлабки суд қарори билан ундирилган суммани чеғирган ҳолда

туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурилов чораларини қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқини судга ўтказиш вақти келганлиги таъкидланди. Қорақалпоғистон прокуратураси органлари томонидан 2001 йилда 910 киши қамокқа олинган бўлса, 2005 йилга келиб бу кўрсаткич 517 тани ташкил этиб, шахсларни қамокқа олишга санкция бериш 56,8 фоизга камайди. Фуқаролик жамиятини барпо этиш учун суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнида Ўзбекистон Жиноят кодексиди ўлим жазосини қўллашни назарда тутувчи моддалар бо-

риш ишлари олиб бориш ҳозирги кўннинг долзарб масалаларидан биридир.

Анжуманда сенатор, ТДЮИ ректори, профессор М.Рустамбоев қатнашди ва маъруза қилди. Шундан сўнг Қорақалпоғистон конституциявий назорат қўмитаси раиси Ж.Шилманов, Ўзбекистон Олий суди судьяси Д.Сунонова, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги тергов бош бошқармаси бўлимининг бошлиғи, полковник К.Бобожонов, Ўзбекистон Бош прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази директори Э.Абазаров, Қорақалпоғистон қасаба уюшмалари кенгаши раиси С.Ниетуллаев, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон суди раиси К.Ералыев, Қорақалпоқ давлат университетининг проректори Б.Матмуродов, Қорақалпоғистон адвокатлар раёсати раиси С.Арзимбетовлар Ўзбекистон президентининг ўлим жазосини бекор қилиш ва қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисидаги фармонларининг моҳияти ва улардан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида нўтқ сўзладилар.

Анжуманда, шуяингдек, ҳуқуқшунос олим ва талабалар ҳам иштирок этиб, фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Анжуманга Қорақалпоғистон прокуратураси Ҳ.Ҳалимов яқун ясади.

Нозим РАИМОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи

Иқтисодий жиноятларга қарши

Фарғона вилоят ҳўқимлигиди бўлиб ўтган йилгилишда Бош прокуратура ҳузуридаги Солик ва валютата оид жиноятларга ва жинорий даромадларни легаллаштиришга қарши хурашиш департаментининг вилоят бошқармаси, солиқ идоралари ходимлари, шаҳар ва туман ҳўқимларининг ўринбосарлари, Марказий банкнинг вилоят бошқармаси, тижорат банкларининг раҳбарлари иштирокида иқтисодиётга оид жиноятларга қарши курашишнинг долзарб вазифалари муҳокама қилинди.

Солик ва валютата оид жиноятларга ва жинорий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти вилоят бошқармасининг бошлиғи Т.Ҳоликмов Олий Мажлис қабул қилган қонунлар, ҳукумат қарорлари асосида бошқарма тузилишидаги ўзгаришлар, унинг зиммасига юқлатилган вазифалар тўғрисида гапирди. Вилоят ҳўқимининг ўринбосари А.Муродов ҳўқимият ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш, иқтисодиётга оид жиноятларни келтириб чиқараётган шарт-шароитни бартараф этиш хусусида мулоҳазаларини баён этиди.

Йилгилишда тегишли қарор қабул қилинди.

Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Huquq» муҳбири

«Мустақиллик ҳуқуқ демакдир» танловига

Мустақилликнинг ўн беш йиллиги нишонлангани арафасида ўтган давр мобайнида эришилган ютуқларга, дуч келинаётган муаммоларга бир қур назар солиш фойдадан холи эмас. Зотан, бир тузумдан иккинчи тузумга ҳеч қандай ижтимоий силсилаларсиз ўтишнинг бутун моҳияти шундагина яққол намоён бўлади. Аввалдан айтиш мумкинки, ижтимоий ҳимоя ва қонун устуворлиги ўтиш даврининг асосий тамойиллари деб эълон қилиниши барча ютуқларнинг асоси бўлди десак, хато бўлмас. Андижон вилоят прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Муҳиддинжон Эминов билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.



ҲУҚУҚ ҲАМ, ЭРКИНЛИК ҲАМ – МАСЪУЛИЯТ

— **Муҳиддинжон ака, сизнингча фуқаролик жамиятини барто этиш шароитида прокуратурага таъинлиши ўзини оқаяптими?**

— Бу савол «Прокуратура тўғрисида» қонунини янги тахрирда қабул қилиш арафасида бўлган мунозараларни эслатади. Ушанда прокуратура органларининг жамиятдаги ўрнига шубҳа билан қараганлар ҳам бўлган. Вақт эса бундай шубҳалар бутунлай ўринсиз эканлигини кўрсатди. Тасаввур қилинг, бутун онги коммунистик ғоялар билан заҳарланган, мулкка эгаллик каби оддий ҳуқуқлардан, сўз ва виждон эркинлигидан маҳрум қилинган кишилар ўтиш даврида қийинчиликларга дуч келмаслиги мумкинми? Табиийки, шундай шароитда бозор иқтисодиётига ўтиш учун прокуратура каби кучли механизмга ўз-ўзидан эҳтиёж туғилди. Билдирилган ишончга эса прокуратура органлари муносиб жавоб бера олдилар. Узоққа бормаёлик, сенатнинг яқинда бўлиб ўтган ялпи мажлисида прокуратуранинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш фаолиятига, прокуратура органларининг суд-ҳуқуқ тизимидаги ўрнига катта баҳо берилди. Прокуратура аралашуви билан ўтган йили етказилган қарийб 61 миллиард сўмлик зарарнинг ундирилиши ҳам фикримизга исбот бўла олади.

Кенг жамоатчилик ёрдамида қонун устуворлигини таъминлаб бўлмайди. Биргина мисол, 2006 йилнинг дастлабки олти ойи давомида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида вилоятдаги 843 та маҳаллада прокуратура ташаббуси билан унрашувлар ўтказилган. Негаки, қонунларнинг моҳиятини, фуқаролик жамиятининг шартларини аҳоли онгига синдиримай туриб қонун ижросида самара-

«Тоштепа» маҳалласида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда учрашув ташкил этдик. Ёшларнинг чиқишларида ҳуқуқий масалаларнинг назорат ва назоратчилик қамраб олинди. Мана шундай учрашувларнинг таъсири ўлароқ май ойининг ўзида 13,6 млрд сўмлик ижтимоий тўловларнинг тўлиқ тўла-ниши таъминланди. Андижон шаҳридаги Бобур номли ОТАЖ маъмурияти 3.404 та ишчига 191 млн. сўмлик машина бераманлиги аниқланиб, прокуратура аралашуви билан иш ҳақи ундириб берилди.

Албатта, ўтган йили юз берган Андижон воқеаларига тўхталмасдан илож йўқ. Бу воқеалар айнан бир гуруҳ шахсларнинг ёт ғояларга эргашганлиги, ҳуқуқий давлатнинг талабларини англамаслиги туфайли содир бўлди. Бу шахсларнинг қилишларига ўз вақтида барҳам берилганлиги, аҳолининг уларни қўллаб-қувватламаганлиги қонунийлик борасида катта ютуқларга эриш-

ни исботлайди.

— **Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини теярроқ англамоқда деди-гиз. Бу прокуратуранинг назорат фаолиятига эҳтиёжни қамайтирмайми?**

— Гарчанд бутун мақсадимиз шунга қаратилган бўлса-да, афсуски, ундай эмас. Аҳоли ҳуқуқий маданиятининг ошиши криминал вазиятнинг бақарорлашувиغا хизмат қилса-да, қонунлар ижросини назорат қилувчи кучли механизмга эҳтиёж сақланиб қолаверади. Чунки, қонун бор экан, шахсий манфаати йўлида унга амал қилишни хоҳламайдиганлар, жамиятнинг, ўзга фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига дахл қилишдан тап тортимайдиганлар доим топилади. Шунинг учун фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш асосий вазифамиз сифатида белги-ланган.

— **Бу борадаги аниқ мисолларга ҳам тўхталсангиз.**

— Маълумки, мамлакатимизда фуқароларнинг соғлигини сақлашга катта эътибор қаратилган. 2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши ҳам шундан далолат. Бироқ шунга қарамай, соҳада қонунбузарликлар учраётганлиги ачинарли ҳол. Ўтган йили Андижон вилоят эндокрин диспансерида ўтказилган текширишда аниқланишича, даволанаётган беморларни озиқ-овқат ва дори-дармон билан таъминлашга ажратилган 2.703.000 сўм бошқа мақсадга ишлатиб юборилган. Бегул тарқатиш учун олиб келинган 3.776.000 сўмлик дори 67 нафар беморга муддати ўтганидан сўнг тарқатилган. Беморларнинг имзолари сохталаштирилиб, 94.700 сўмлик дори-дармон ўзлаштирилган. Асака туман поликлиникасида эса никоҳланаётганлар қўриқдан ўтказилмасдан сохта хулосалар ёзилганлиги аниқланди. Тумандаги «Обод» врач-лук пунктида эса аёллар ва вояга етмаганларни тиббий қўриқдан ўтказишда лаборатория таҳлиллари, рентген, ЭКГ текширувлари тўлиқ

ўтказилмасдан сохта хулоса берилган.

Банк тизимидаги аҳолини кўриб чиқайлик. Кўпчилигимиз мижоз сифатида банкларга ишимиз тушади. Маъналаримизнинг ягона эгаси ўзимиз. Унга дахл қилишга ҳеч қим-

миёлаштириш учун 110.000 сўм пара талаб қилаётган вақтда ушланган. Ушбу ташкилотнинг Улуғнор туман бўлими бошлиғи Н.Сметанин ҳам фуқаро М.Илгиталиевдан 0,2 гектар ер ажратиб бериш эвазига 60.000 сўм олаётганида қўлга тушган.



Андижон вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи М.Эминов йиғилишида.


нинг ҳаққи йўқ. Бундай оддий ҳақиқатни Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Асака шаҳар филиали бошқарувчиси Г.Мамадалиев англамаган шекилли, банк мижози ҳисобланмиш «Рўёб» фирмаси ҳисоб-рақамидagi 41 млн. сўмлик маблағни фирма раҳбарининг розилигисиз «Ҳамкор» банкнинг Андижон бўлимидаги «Саноят интер нур» хусусий фирмаси ҳисобига ўтказиб юборган. У қилмишини яшириш мақсадида банкнинг алоҳида ҳисоб-рақамидан 44,4 млн. сўм маблағни «Рўёб»нинг ҳисоб-рақамига ўтказиб юборди. Бу «ўйин»лар ўз вақтида фош этилиб, айбдор тегишли жазосини олди.

— **Суҳбатимиз ўз-ўзидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга келиб тақаллаётми...**

— Бу табиий ҳол. Бозор иқтисодиётини тадбиркорларсиз, фуқаролик жамиятини тадбиркорлик билан шугулланиш ҳуқуқисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Турмушимиз

Умуман олганда ўтган вақт давомида тадбиркорларнинг талон-тароҳ қилинган 8.300.000 сўм маблағи ундириб берилиб, 5 нафар банк ходимига нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Тадбиркорларга асосий равишда ажратилмаётган 4.000.000 сўмлик кредит берилишига эришилди. 447,4 гектар ер, 45,2 тонна минерал ўғит, 17,3 тонна ёнғили олиб берилди. 70 млн. сўмлик дебиторлик, 2,2 млн. сўмлик кредит-торлик қарзи ундирилиши таъминланди. Прокуратура аралашуви билан 3.159 та фермер ҳўжалиги имтиёзли равишда қайта рўйхатга олинди. Улардан ноқонуний ундириб олинган 2,2 млн. сўмлик маблағ қайтарилди. Умуман бу борада ўтган йиллар давомида прокурор таъсир чоралари самарадорлиги ортган.

Бу ишларимиз ҳуқуқий давлат қуриш ишига қўшган ҳиссамиздир. **«Ҳуқуқ» муҳбири Абдурахмон МУСТАФОҚУЛОВ суҳбатлашди**



Тадбиркорлар билан учрашувлар ҳақида мунозара билан ўтади.

дорликка эришиб бўлмайди. Ўн беш йил давомида эришган ютуқларимизнинг калити сифатида мен айнан шунга кўрсатган бўлардим. Бугунги давр кишилари билан ўн йил олдинги одамлар ўртасида ҳам катта фарқ бор. Фуқаролар ҳуқуқларини теярроқ англай бошладилар. Масалан, Шаҳрихон туманидаги

ганимиздан далолатдир. Экстремистлар сафига адашиб кириб қолганларни аҳоли қафилликка олиши, ўғирланган 51 та ўқотар қурол, 2.935 та ўқ-дори, 113 та гранатанинг қайтариллишида жамоатчиликнинг жон-базлик кўрсатганлиги қонун устуворлигини таъминлашда таянч нуқта маҳаллалар бўлиши лозимлиги

Фарзанд учун нафақа

Фарзанд туғилганидан кейин бола икки ёшга тўлгунча қадар парваришlash учун берилadigan нафақа қачондан бошлаб тўланади? Агар бундай нафақа олаётган она ишга чиқиб кетадиган бўлса, икки ёшгача бўлган нафақа тўлови тўхтатиладими?

А.РАМАЗОНОВА,
Урганч шаҳри

Оналарга бола парваришlash учун нафақа бундай нафақани тайинlash учун муурожаат қилинган ойдан, бироқ ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаган кундан олдин бўлмаган муддатдан тайинланади.

Икки ёшга тўлмаган фарзанди бор она бундай нафақани олаётган пайтда тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки иш берувчи билан келишиб уйда ишлайётган бўлса, бундай давр учун иш ҳақини, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларида ҳамда олий ўқув юртидан кейинги таълим муассасаларида ўқётганлар эса стипендияни олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Меросдан улуш борми?

Биз оилада ўн фарзандимиз. Ота-онам ҳаётлик даврида учта етим болани ҳам тарбия қилишган. Улар етми-саккиз йил бурун вафот этганларидан сўнг улардан икки сотихли ҳовли-жой қолган. Бузунги кунга келиб етим фарзандлардан иккитаси ушбу уйда бизнинг ҳам ҳаққимиз бор деб қозғовозлик қилиб юришибди. Шу боис оилада мулк масаласида бироз келишмовчилик юзга келаяпти.

Агар ота-онамиздан қолган уй ҳали сотилмаган ва отамнинг номида бўлса, бу уйдан улуш беришимиз мумкинми?

Р.ҒУЗАЛЖОНОВА,
Ғиждувон тумани

Фуқаролик кодекси талабига кўра, киши мулкка икки хил шаклда – васият ва қонун бўйича ворис бўлиши мумкин. Васият қилинмаган ёки мерос мулкнинг тақдирини бирор шаклда белгиланмаганда қонун бўйича ворислик келиб чиқади. Яъни, васият қилинмаган мол-мулк меросхўрлар ўртасида қонунга мувофиқ ҳолда тақсимланади.

Бунда мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган, мерос қолдирувчига қариндош

бўлган шахслар қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирди ҳамда қариндошлик даражасига қараб ФКнинг 1135 — 1138-моддаларига мувофиқ ворисликка қақирлади.

Мазкур кодекстининг 1135-моддасига кўра мерос қолдирувчининг болалари (жумладан, фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворис ҳисобланишади. Мерос қолдирув-

чининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига кирди.

Қонун бўйича ворисликда фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодлари бир тарафдан, фарзандликка олувчи шахс ва унинг қариндошлари иккинчи тарафдан туғилган қариндошларга тенглаштирилади.

Лекин фарзандликка олинган шахсининг ота-онаси ҳамда бува-бувилари, ака-укалари, опа-сингиллари фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодлари вафот этганидан кейин қонун бўйича мерос олмайдилар.

Қонун бўйича ворисларнинг ҳар бир навбати аввалги навбатдаги меросхўрлар бўлмаган, меросдан четлаштирилган, меросни қабул қилмаган ёхуд ундан воз кечган тақдирда ворислик ҳуқуқига эга бўлади.

Фарқи нимада?

Соғлиғи ёки бошқа ҳолатига кўра хатти-ҳаракатини бошқара олмайдиган фуқарога васийлик ёки ҳомийлик белгиланади. Лекин қонун бўйича уларнинг иккаласи бир хилга ўхшайди. Айтинг-чи, васийнинг ҳомийдан фарқи нимада?

Й.ТУРДАЛИЕВ,
Самарқанд шаҳри

Фуқаролик кодексининг 30 — 32-моддаларига кўра, фуқаро муомалага лаёқатсиз деб топилганда унга васийлик белгиланади ва бундай фуқаро номидан битимларининг унинг васийи амалга оширади.

Фуқаронинг муомала лаёқати чекланганда эса унга нисбатан ҳомийлик белгиланади. Бундай фуқаро муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсдан фарқли равишда, майда маиший битим-

ларни мустақил тузиш ҳуқуқига эга бўлади. Бошқа битимларни эса ҳомийнинг розилиги билангина тузиши, шунингдек иш ҳақи, пенсия ва бошқа даромадлар олиши ҳамда уларни тасаруф этиши мумкин. Бироқ бундай фуқаро ўзи тузган битимлар бўйича ва етказган зарари учун мустақил равишда мулкрий жавобгар бўлади.

Фуқарони муомалага лаёқат-

сиз деб топиш ёки унинг муомала лаёқати чекланишига сабаб бўлган асослар бекор бўлса, суд унинг муомалага лаёқатсиз ёхуд муомала лаёқатини чеклашни бекор қилади.

Васийлик ва ҳомийлик аслида муомалага лаёқатсиз ёки муомалага тўлиқ лаёқатли бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учунгина белгиланади.

Тўлов ҳужжати

Мен касалхонада кадрлар бўлими ноизири бўлиб ишлайман. Иш жараёнида баъзан айрим ходимларнинг ноуриц хатти-ҳаракатини туфайли уларнинг соғлиғига бироз зарар етса ҳолат тазаруви текширув ўтказиб, зарар даражаси аниқланади. Лекин тажрибам ҳали унчалик кўп бўлмаганим боис бундай зарарни тўлаш учун тўланадиган барча ҳужжатлар ҳусусида маълумот берсангиз.

Агар зарарнинг етказилишида жабрланувчининг ҳам қисман айбдорлиги исботланса, иш берувчи тўлайдиган зарар пули қанчага камайиши мумкин?

Ж.ОБЛОКУЛОВ,
Тошкент шаҳри

«Ходимларга меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалиғига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қондалари-га мувофиқ, меҳнат жароҳати учун иш берувчининг айбдорлигини ёки жавобгарлигини исботловчи далил сифатида куйидаги ҳужжатларни тўплаш керак бўлади:

- бахтсиз ҳодисани махсус текшириш далолатномаси;
- бахтсиз ҳодиса ва ишлаб чиқаришда соғлиққа етказилган бошқа хил шикастлар тўғрисида далолатнома;
- суд қарори;
- меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат тўғрисидаги қонунларга риоя этилишини, соғлиққа етказилган зарар сабабларини назорат қилувчи давлат меҳнат техника инспектори ёхуд бошқа мансабдор шахс (орган)нинг ҳулосаси;
- касб касалиғи тўғрисида тиббий ҳулоса;
- айбдор шахсларга маъмурий ёки интизомий жазо бериш тўғрисидаги қарор;
- касба уюшмаси кўмитаси ёки корхона ходимларининг бошқа ваколатли органи қарори.

Келишмовчилик пайдо бўлганда ёки иш берувчи зарарни тўлашни рад этганда, ушбу масала қонунда белгиланган тартибда суд томонидан ҳал қилинади.

Жабрланувчининг эҳтиётсизлиги зарарнинг келиб чиқишига ёки унинг кўпайишига сабаб бўлган тақдирда зарар тўловининг миқдори жабрланувчининг айбига қараб камайиши мумкин, лекин камайиш эзлик фойздан кўп бўлмаслиги лозим.

Жабрланувчининг эҳтиётсизлиги туфайли ҳамда иш берувчининг айби бўлмаган ҳолларда иш берувчининг жавобгарлиги, айбидан қатъи назар, зарар суммаси жабрланувчининг айбдорлик даражасига қараб камайиши ҳам мумкин, лекин камайиш эзлик фойздан кўп бўлмаслиги лозим. Бунда зарарни тўлашдан бош тортишга йўл қўйилмайди.

Жабрланувчининг айбдорлик даражаси корхона, муассаса, ташкилот касба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа ваколатли органи қарори билан, мазкур масала бўйича келишмовчилик пайдо бўлганда эса суд томонидан белгиланади.

Имтиёзли тоифага кирманми?

Мен 1960 йилдан 1966 йилга қадар мактабда директор, илмий муди́р ва ўқитувчи вазифаларида ишладим. 1966 йили туман ижроия кўмитасининг масъул котиби этиб сайландим ва ушбу лавозимда 1980 йилгача ишладим. Ушбу ҳолатда мен имтиёзли тоифага кирувчи шахс сифатида уй-жой тўловлари ўрнига берилётган компенсацияни олишга ҳақлиманми?

Э.РЎЗИЕВ,
Оқтош шаҳри

Хатингиздан маълум бўлишича, сизнинг педагогик стажингиз олти йилни ташкил этади. Агар айни пайтда пенсияда бўлсангиз, коммунал хизматлар ҳақини тўлашда ойлик компенсацияни олишингиз учун яна тўрт йиллик педагогик стаж етишмапти. Чунки Республика президентининг 2005 йил 13 апрел кунги фармони билан тасдиқланган уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ойлик компенсация тўлови энг кам иш ҳақи-га нисбатан табақалаштирилган миқдорда бериладиган шахслар имтиёзли тоифаларининг янгиланган рўйхатига мувофиқ ун йиллик педагогик ва илмий-педагогик стажга эга бўлган пенсионерларгина ушбу тўловни олишга ҳақли бўлади.

Таътиллар муддатини ишланган

вақтга мутаносиб равишда

ҳисоблаб чиқаришда уларнинг

муддати ҳар бир тўлиқ таътил

миқдорини ўн иккига бўлиб, сўнг

тўлиқ ишланган ойлар сонига

кўпайтириш йўли билан аниқла-

нади. Бунда ўн беш календар

кунига тенг ва ундан кўп бўлган

кунлар бир ой деб яхлитланади.

ўн беш календар кунидан кам

эса чиқариб ташланади.

Меҳнат Кодексининг
141-моддаси.

Хорижий фуқарога руҳсат борми?

Ўзбекистонга яшаш ва ишлаш учун келган чет эллик фуқаролар уй сотиб олмақчи бўлсалар, бироқ жойдаги руҳсат олишлари керакми ёки улар ҳам Ўзбекистон фуқаролари каби уйни тўғридан-тўғри сотиб олишлари мумкинми?

Бундай фуқарога Ўзбекистон фуқароси уйини ҳада қилмоқчи бўлса, давлат божга қанча миқдорда тўланади?

Зиштишимча, Ўзбекистонда яшаб келаётган чет эллик фуқаро уй-жой коммунал хизмат ҳақини икки ойдан ошқ тўламаса уйи олиб қўйилар экан. Шу тўғрими?

Ш.ДАВЛЕТОВ,
Тошкент шаҳри

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 феврал кунги қарори бўйича уй-жойни олувчи томон хорижий фуқаро, жумладан МДҲ давлатлари фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлса Ўзбекистонда жойлашган

уй-жойни сотиб олиш, айирбошлаш ёки гаровга қўйиш битимларини нотариал тасдиқлаш ва кейинчалик уларни давлат техник рўйхатидан ўтказиш учун амалдаги қонунларда назарда тутилган ҳужжатлар билан

бирга Ўзбекистон ички ишлар органлари томонидан белгиланган тартибда берилган яшаш учун руҳсатнома тақдим этилган тақдирдагина амалга оширилади.

Уй-жойни ҳада қилувчининг яқин қариндоши бўлмаган, шунингдек, Ўзбекистонда яшаш учун руҳсатномага эга бўлмаган хорижий фуқарога ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсга уй-жойни ҳада қилиш шартномасини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун уй-жойни техник рўйхатдан ўтказиш бюроси органлари аниқланган рўйхатдан ўтказиш қийматининг 100 фоизи миқдорда йғим ундирилади.

Вақтида тўланмаган коммунал хизмат ҳақлари масаласига келадиган бўлса, уй-жойнинг эгаси ҳисобланган, яшаш жойида бўлмаган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан бундай хизматлар ва уй-жойдан фойдаланиш харажатлари учун узоқ вақт (12 ойдан ортиқ) ҳақ тўланмаган тақдирда Қоржақалпоғистон Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятининг тақдимномасига кўра коммунал хизматлар ва уй-жойдан фойдаланиш харажатларига ҳақ тўлаш юзасидан қарзларни ундириш масаласини ҳал қилиш учун уй-жой белгиланган тартибда хатлаб қўйилади.

Mustaqillik
eng oliy
nemat

15

(Давоми. Бошлангани 1-бетда).

Таассуфки, ходимларнинг ойлик маошлари ўз вақтида берилмасдан, ойлаб пайсалга солиниши ҳолатлари ҳам учраб турибди. Буни фуқароларнинг рўзгорнинг иқтисодий таянчи бўлган ойлик иш маошларини ўз вақтида ололмаётганлари ҳақида прокуратурага келаятган мурожаатларидан ҳам билса бўлади. Одамлар ишласаю, ҳақини ўз вақтида ололмаса, қилаётган барча ҳаракатларимиз бесамар кетади. Улар

ҚОНУН —
ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

бу муаммо билан андармон бўлиб қолди. Ўз вазифаларини сидқиқидан бажаролмайдилар. Бу ўз вақтида бартараф этилиши лозим бўлган жуда ўткир иқтисодий муаммодир. Шу йўналишда олиб борилган ишларимизнинг самараси ўлароқ, йил бошидан буён прокуратура органларининг аралашуви билан фуқароларнинг 12,3 миллион сўмлик иш ҳақи ундириб берилди. Яна 105,2 миллион сўмдан зиёд иш ҳақини ундириш бўйича судларга 400 дан ортқ даъво аризалари юритилди.

Шу билан бирга вилоят прокуратураси органлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги «Кам таъминланган оилаларни иқтисодий ҳимоя қилиш масалаларини ташкил этиш тўғрисида»-ги ва 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни иқтисодий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорлари ҳамда аҳолини иқтисодий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш юзасидан бошқа идоралар билан ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2005 йилда кам таъ-

Саҳифаларимизда
Қашқадарё вилояти

Қашқадарё вилояти 1943 йилда ташкил топган. Аҳолиси 2006 йил 1 январ ҳолатига 2 млн. 419,8 минг киши. Майдони 28,6 минг километр-кватрат. Вилоятда 13 та туман, 3 шаҳар, 7 та шаҳарча бор. 2006 йил 1 январ ҳолатида вилоятда 53 та қўшма қорхона мавжуд.

минланган ҳамда 2 ва 18 ёшгача боласи бор 228871 та оилага 14 миллиард 173 миллион 633 минг сўм, 2006 йилни 1-чорагида эса худди шундай оилаларга 4 миллиард 433 миллион 914 минг сўм нафақа пуллари тўланшига эришилган.

Шифокорлар орасида «касалликни даволашдан кўра унинг олдини олиш осон» деган гап бор. Бизнинг соҳада ҳам шундай. Жиноятчини жазолагандан кўра, уни эгри йўлдан қайтариш муҳим ва жамият учун фойдалидир. Буни эътиборга олган ҳолда мактаб, лицей, коллежлар-

Иқтисодий жиноят содир этган шахслардан тергов даврида 1 млрд. 486 млн. 95 минг сўмлик зарар ундирилди.

Ҳар бир ишда қонун устувор бўлса, қўзланган ниятларимизга тезроқ эришишимиз мумкин. Жиноятчилар ҳамма даврларда ҳам жазосини олган. Бироқ, ҳеч бир даврда жиноятчиликка нуқта қўйилмаган. Италияда XVII асрда ўғирлик қилганлар ҳалқ олдида дорга осылган. Жазо ижро этилаётган пайтда оломоннинг тўпланганидан фойдаланган ўғирлар одамларнинг чўнтагини «тозалаб» кетишган. Кўриниб турибдики, жазонинг оғирлиги жиноятнинг камайишига олиб келмайди. Бинобарин жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши самарали ку-

раш, уқандай кўринишда бўлмасин, жазоларнинг оғирлигига эмас, балки қонунни бузган шахснинг жиноятга жазо муқаррар эканлигини онгли тарзда тушуниб етишига боғлиқ. Шундагина ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик камаяди, қўзланган ниятларимизга тезроқ эришамиз.



Қарши шаҳридаги «Нуристон» академик лицейи биноси.

«Умид ниҳоллари — 2006» спорт мусобақаларини ҳеч қачон унутмайман. Ҳозир ҳам қизгин беллашувлар ҳаяжон юрагимдан кетгани йўқ. Курашни танлаб тўғри қилган эканман. Болалигимдан турли беллашувларда кураш тушайтган полвонларнинг шижоатини кўриб курашга жуда ҳам қизиқиб қолгандим. Маъшур полвонларга жуда-жуда ҳавасим келарди. Қариндошларим сендан полвон чиқади деб мени яна ҳам қизиқтириб қўйганди.

ИШОНЧНИ ОҚЛАШГА
ИНТИЛГАНДИМ

Шунда юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпиони Исом Кенжаевага шоғирд тушиб, машқларга киришдим. Ҳаракатларим зое кетмади. Аввал Қарши шаҳри ва вилоят миқдосидаги мусобақаларда голиб чиқдим. Сўнгра икки марта республика чемпиони бўлдим.

«Умид ниҳоллари»да белбоғли кураш бўйича иштирок этишимни билганимда, рости, бошида бироз чўчидим. Чунки водий томонларда бу кураш тури анча ривожланган, рақибларимнинг кучли бўлиши аниқ эди. Мен эса спортнинг бу тури

бўйича мусобақаларда илк бора иштирок этаётгандим. Лекин шундай бўлса-да, бўш келмасдан ишончини оқлаганимдан хурсандман. Омадим бор экан, чемпион бўлдим.

Биз ёшлар, шахсан мен, бу ишонч, эътиборга муносиб бўлишни жудаям истардим. Келажакда халқроқ мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга сўз бераман.

Дилшодбек СУЯРОВ,
мактаб ўқувчиси

Адолат қарор топди

Туманимиздаги Чўли ота номи ширкат ҳўжалиги негизда фермер ҳўжаликлари ташкил этила бошлагач, биз ҳам тендер талловида иштирок этиб, 22-лойиҳа бўйича юқори бал ўлиб голиб чиқдик. Лекин бу ер танловга нотўғри қўйилган, деган вақт билан туман ҳокими бизнинг фермер ҳўжалиги ташкил этиш ва ер ажратиш тўғрисидаги аризаларимизни қаноатлантирмаддан келди.

Биз туман ҳокимининг бу ноқонуний ҳаракатидан норози бўлиб, прокуратурага хат ёзган эдик. Вилоят прокуратураси қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимининг катта прокурори Б.Исмаев Ўзбекистон Республикасининг «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»-ги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер ҳўжаликлари ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатларга таяниб, муаммонини ижобий ҳал қилиб берди. Бизларга, яъни ҳар учаламизга ҳам ер ажратиш тўғрисида туман ҳокимининг қарори чиқди ва

биз фермер ҳўжалиги ташкил этдик.

Бундан ташқари, фермер ҳўжаликлариининг ишини қонуний асосларда ташкил этишда, қишлоқ ҳўжалигидаги долзарб муаммоларни ҳал этишда, галла майсаларини сугориш, чигит экиш, экинларни озиклантириш учун минерал ўғитлар етказиб бериш ва бошқа мавсимий ишларнинг ўз вақтида амалга оширилишида вилоят ва туманимиз прокуратуралари ходимларининг хизмати катта бўляпти. Биз фермерлар уларнинг эътибори ва маддадини доимо сезиб турибмиз.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаб, қонун билан қўриқладиган манфаатларимизни ҳимоя қилаётганликларимиз учун вилоят прокуратураси ходимларидан, шахсан муҳтарам прокурорини Эшдавалат Жўраевдан беҳад миннатдоримиз. Уларнинг қонуни ҳимояси йўлидаги адолатли ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳикматилло УМАРОВ,
Дўсёр РАХИМОВ,
Бўстон ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Қарши тумани фермерлари

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ иқтисодийetni ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичида асосий бойлигимиз — ерга муносабатини ўзгартириш етакчи йўналиш этиб белгиланди. Истиклол йилларида қабул қилинган бир қатор қонунлар, Президент фармонлари ва ҳуқумат қарорларида қишлоқ ҳўжалигида ишларни қандай ташкил этиш, ерга қандай муносабатда бўлиш кераклиги пухта ва аниқ кўрсатиб берилди.

2004 йил 11 мартдаги «Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги фармон ҳам шулар жумласидандир. Унда прокуратура органлари зиммасига қишлоқ ҳўжалигига оид қонунлар нозоратини кўчатириш, деҳқон ва фермерларни ҳимоя қилиш, соҳада ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш каби қатор вазифалар юкланди. Энди қишлоқ ҳўжалигида йўл қўйилган ҳар бир қонунбузилиш ҳолати бўйича ҳокимият, бошқа мутасадди ташкилот раҳбарлари қатори туман прокурорлари ҳам жавоб беришларига тўғри келади.

Туманда олиб борилаётган про-

курор нозорати ва ер мониторингини ўтказиш юзасидан текширишлар соҳадаги суиистеъмоликларга барҳам берапти. Туманимиз аграр соҳага иxtисослашган. Туман бўйича 2.520 та фермер ҳўжалиги бўлиб, улар 43.766 гектар майдонда деҳқончилик қилишади. Шундан 22.200 гектари пахта ва 14417 гектари сугориладиган галла май-

ғизиде 1024 та фермер ҳўжалиги ташкил этилди. Мониторинг текширишларда бу жараёнда бир қанча қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Масалан, тумандаги Денов қишлоғида яшовчи фуқаро А.Жабборовнинг «Қашқадарё» ширкат ҳўжалигини фермер ҳўжаликларига айлантиришда 42-лойиҳа бўйича ўтказилган

Нозорат янада


донида. Қишлоқ ҳўжалик экинлари экиладиган майдонларда мунтазам мониторинглар ўтказилиб, аниқланган қонунбузилишлар юзасидан қатъий чоралар қўрилмоқда.

Маълумки, жорий йилда мамлакатимизда фермерчилик ҳаракатини ривожлантириш мақсадида 2005 йил 8 ноябрда Президентимизнинг «2006 йилда қишлоқ ҳўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер ҳўжаликларига айлантириш тўғрисида»-ги қарори чиққан эди. Унга кўра туманда 5 та ширкат ҳўжалиги тугатилиб, уларнинг не-

тендердан норози бўлиб ёзган аризаласи ўрганилганда, тугатиш комиссияси раиси Б.Қўнонов ва Р.Ҳасановларнинг тендер ҳужжатларини қалбақлаштирганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, 2005 йилда тугатилган ширкат ҳўжаликлари негизда ташкил этилган 6 та фермер ҳўжалигига асоссиз равишда ер бериш ҳақида туман ҳокими томонидан қабул қилинган 6 та қарорга протест киритилиб, ҳаммаси тўлиқ қаноатлантирилди.

Ҳозирги кунга келиб тумандаги барча фермер ҳўжаликлари билан



Марказий Осиёда Ягона Талиммаржон ГРЭСи.

Мустақиллик даврида таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар умумий таълим тизимининг янги шакли жорий қилинишига олиб келди. Мактабларга фақат ётти ёшга тўлган болаларни қабул қилишнинг олдинги мезонларидан воз кечилди. Чунки ҳар бир болада интеллектуал қобилият, руҳий ҳолат турлича бўлади. Айрим болаларда эрта, бошқаларида эса кечроқ шаклланади. Шунинг учун, интеллектуал қобилиятнинг шаклланиш даражаси умумий ўрта таълим муассасаларига ўқувчиларни қабул қилишнинг асосий мезони этиб белгилади. Ёшлар ҳар жиҳатдан қимматли, аввало, таълим муассасаларида эришади.

қа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари тарбиявий иш олиб боришади.

Ёш авлодлар ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш кўп жиҳат-



Ёшлар тарбияси эътиборимизда

Ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилати, миллий истиқлол ғоялари илк бор ана шу даргоҳларда сингдирилди.

Туман прокуратураси ҳузурда ташкил этилган «Вояга» етмаганлар билан ишлаш маркази-да болалар ҳуқуқлари муҳофаза қилинишига оид ҳуқуқий адабиётлар, туманининг барча таълим муассасалари ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлиб, бу вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи орган ходимлари иштирокида ҳар ойда ўтказиладиган амалий машғулотларда дастуриламал вазифини ўтамоқда. Марказ фаолиятида «Маҳалла» ва Болалар спорти жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими, соғлиқни сақлаш, ҳақ таълими бўлими ходимларининг фаол иштироки ўз самарасини бермоқда. Марказнинг яна бир эътиборга молик жиҳати шундаки, бу ерга режа асосида тарбияси оғир болалар жалб қилиниб, улар билан прокуратура ва бош-

дан таълим-тарбия муассасаларида яратилган шарт-шароит ва соғлом маънавий муҳитга боғлиқ. Шу боис, туман халқ таълими муассасаларидаги шароит, ўқувчиларга яратилган имкониятлар билан танишиб-чиқдик. Муболагасиз айтиш мумкинки, кейинги пайтларда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор билан қаралаётти. Болалар спорти жамғармасининг ташкил этилиши, жойларда спорт иншоотлари, замонавий мактаб ва бошқа таълим муассасалари барпо этилиб ишга туширилиши ва ниятат мактаб таълимининг ривожлантиришига қаратилган чора-тадбирларнинг қучайтирилиши фикримизга асос бўла олади.

Вилоят ҳокимлиги томонидан ҳар ойнинг сўнгги шанбаси «Мактаблар кунин» деб эълон қилинган ва шу кунни раҳбарларнинг билим даргоҳларига ташриф буюришлари таълим муассасалари моддий-техника таъминоти мустаҳкамланишида яхши самара бермоқда. Туман мактаблар-

рига 94 та оталиқ ташкилот бирикитилган бўлиб, улар томонидан ортқ гунагача 10 млн. сўмликдан ортқ моддий ёрдам кўрсатилди, 44 нафар ўқувчига стипендиялар тайинланди. Ўтган йили олий ўқув юртиларига киришдаги тест кўрсаткичлари бўйича туманимиз ўқувчилари вилоятда 5 ўринни эгаллашган бўлса, жорий йилда туманимиз ўқувчи-ёшлари фан олимпиадалари вилоят босқичида 6 ўринни қўлга киритишди.

Бундан ташқари, Болалар спорти жамғармаси томонидан тумандаги Гувалак қишлоғида спорт комплекси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозирги кунда ушбу спорт масканида 200 дан ортқ ёшлар спорт-

нинг ҳар хил тури билан шуғулланиб келишмоқда.

Ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий билимлари мустаҳкамлашда ҳуқуқшунослик фани ўқитилишини янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки қонуналдан яхши хабардор кишигина унга амал қилади, ўзининг ҳақ-ҳуқуқи поймол этилишига йўл қўймайди. Аммо туманининг айрим мактабларида мутахассис ўқитувчилар етишмаслиги сабабли «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фани ва Конституцияни ўрганиш курсини бошқа соҳа мутахассислари ўқитишаёти. Ёшлар онгида ҳуқуқий билим айнаи шу фанлар ёрдамида шаклланишини ҳисобга олсак, мазкур муаммони тезроқ ҳал этиш зарурлиги аён бўлади. Зеро, Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганларидек, фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!

Шерниёз УМРЗОҚОВ,
Косон туман прокурори

Қашқадарё
вилоят прокуратура
ўринбосари
М. Қаримов,
вилоят фуқаролик суди
раисининг
ўринбосари
О. Тангматов
ва вилоят
прокуратурининг
катта ёрдамчиси
Ш. Жумақулов
меҳнаткашларни қабул қилмоқда.



туман ҳокимлиги ўртасида ер ижара шартномаси тузилиши таъминланди. Фермерларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи ҳам эътиборимиздан четда қолмаётти. Тегишли ташкилотлар билан шартнома тузиш, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш, имтиёзли кредит бериш масаласидаги тўсиқларга барҳам

томонидан тумандаги фермер ҳўжалиқлари ва бошқа қишлоқ ҳўжалиғи қорхоналари томонидан сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонунал ижроси қандай аҳволдалиғи ўрганилганда, 36 нафар фермер ҳўжалиғи раиси галла ва пахта майдонларини сугоришда сувдан нотўғри фойдаланганини аниқланди. Уларга нисбатан Ўзбекистон Республи-

Ҳуқуқий саводхонлик – давр талаби

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда инсонпарвар демократик жамиятнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори яратилди. Фуқароларнинг эрки ва манфаатларини ҳимоя қилувчи кўнлар қабул қилинди. Ҳуқуқий соҳадаги ислохотлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Бугун ислохотлар, янгиланишлар даврида яшаётимиз. Базан кечаги кун бугунги кунга мос келмай қоляпти. Биргина Қарши шаҳрида бўлаётган ўзгаришлар мамлакатимизда тараққиёт қанчалик жадаллик билан ривожланиб бораётганигидан далолат беради. 2700 йиллик тўйига катта таъёргарлик қўрилаётган Қарши шаҳрининг қиёфаси бутунлай ўзгариб, қундан-қунга шпори очиб бормоқда. Шаҳарда қад ростлаган замонавий спорт иншоотларида янгида «Умид ниқоллари — 2006» спорт ўйинлари ва Республика хотин-қизлар спартакиадаси юқори савияда ўтказилди.

Мамлакатимизда тараққиёт сари қўйлаётган ҳар бир қаддам инсонларвар қонуналга таъниниши алоҳида таъкидлаш жоиздир. Зеро, жамиятни қонун-қоидаларсиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, қонуналрига эга бўлмаган замон ва маконнинг ўзи ҳам йўқ. Ҳамма замонларда қонуналга суяниб иш қўрилган. Қайси жамиятда адолатли қонунал амал қилса, у жойда барқарор тараққиёт ҳўм сурган ва аксинча, адолатсиз қонуналга йўл очиб берган жамиятлар эртами кечми таназзулга учраган. Мустақил юртимизда яратилаётган ҳар бир қонун фуқароларнинг ҳўқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилаётганиги

аса буюк келажакимиз гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳа, биз қураётган инсонпарвар жамиятнинг ҳўқуқий пойдевори яратилди ва у тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Унинг янада ҳаётиёлиғига эришиш учун бу қонуналларга оғишай амал қилиниши ва амалга оширилиши, ҳар бир фуқаро онгида уларнинг моҳияти етказилиши лозим. Шўни ҳисобга олиб, шаҳар прокуратураси аҳоли ўртасида тарғибот ишларини янада қучайтириб боришга, омманинг ҳўқуқий саводхонлиғи ва ҳўқуқий маданиятини оширишга ҳаракат қилмоқда. Жорий йил давомида жами 322 та тadbир, шу жумладан 227 марта маъруза, суҳбат ўтказилиб, 95 марта оммавий ахборот воситаларида чиқашлар қилинди. Токи ҳар бир инсон ўз ҳаётида қонуннинг нечоғли муҳим аҳамиятга эгаллигини англаб етсин. Шу мақсадда меҳнат мамолари, ўқув юртилари, маҳалларда ҳўқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари билан учрашувлар ўтказилаётти. Фуқароларнинг ҳўқуқий саводхонлиғи, уларнинг ўз ҳақ-ҳўқуқларини англашлари катта аҳамиятга эгадир.

Ислохотлардан қўланган пировард мақсад инсонпарвар фуқаролик жамияти барпо этиш экан фуқароларнинг сийсий, ижтимоий ва ҳўқуқий савиясини узлуқсиз ўстириб бориш талаб этилади. Қачонки, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ҳўқуқи, бурчи ва масъулиятини пуста билсагина, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида теран англасагина ислохот қўтилган самарани беради.

Ҳ. ИКРОМОВ,
Қарши шаҳар прокурори

қучайтирилади

берилади. Бундай ҳолатларга алоҳида маъсулият билан ёндошилиб, айбдорларга нисбатан тегишлича жазо чоралари қўлланилмоқда.

Дехўнчилик учун сувнинг қадри оғиш бораётган ҳозирги шароитда суғориш ишларини оқилона ташкил қилиш йўлга қўйилмоқда. Коллектор-дренаж ва суғориш тармоқларини ўз вақтида тозалаш, таъмирлаш дехўнчилик учун муҳимлигини эътиборга олиб, бу тadbирнинг сифатли амалга оширилишини ўз назоратимизга олддик.

Жумладан, туман прокуратураси

каси маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилади.

Прокуратура органлари томонидан қишлоқ ҳўжалиғида ислохотларни қучураштиришга қаратилган қонунал ижроси устидан назорат янада қучайтирилиб, бу йўналишда аниқланган ҳар бир қонунбузилиши ҳолатлари бўйича қатъий чоралар қўриб боришмоқда. Уларни бартараф этиш ва олдини олишнинг барча имкониятларидан кенг фойдаланилаётти.

Абдурашид ЖўРАЛОВ,
Қасби туман прокурори



Саҳифаларимизда Республика ҳарбий прокуратураси

та бурилиш ясади. Куролли кучларга қарашли ҳарбий қисм ва муассасаларда ўтказилган текширишлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,6 фоизга кўпайган. Текшириш натижаларига кўра киритилган протестлар 27,6 фоизга ошди. Қонунбузарликлар оқибатида Куролли кучлар манфаатига етказилган зарарни аниқлаш ва ундириш кўрсаткичлари ошган. Жумладан, Қамчиқ махсус пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонасининг Мудофаа вазирлигидан 57.311.000 сумлик дебиторлик қарзини ундириш бўйича ҳўжалик

ранинг Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказининг ўқитувчилари, Республика ҳарбий суди раисининг ўринбосари С.Турсунов, ТДЮИ ўқитувчилари, Х.Сулаймонова номидати республика экспертиза маркази, Мудофаа вазирлигининг суд-тиббиёт экспертизаси экспертлари, Тошкент олий ҳарбий умумқўшин қўмондонлик билим юрти ўқитувчилари долларб мавзулардаги маърузалари билан иштирок этишди. Шунингдек, Қонунчилик палатаси биносида мудофаа ва хавф-



Чирчиқ ҳарбий прокуратураси катта терговчиси Шухрат Осмонов ҳарбий хизматчилар билан.

«Халқимизнинг энг ишончли таянчи ва суяги, фахри ва ғиштири бўлиши миллий армиямизни барпо этиш давлатимиз ва жамиятимиз, Ватанимизнинг тақдирига бефарқ қарамайлигини ҳар қайси инсоннинг муқаллас бурчига айлангани зарур».

Ислом КАРИМОВ

Интизомни мустаҳкамлаш йўлида

Қарши ҳарбий прокуратураси ходимлари ўзларига юклатилган вазифаларни бажаришда муайян натижаларга эришмоқда. Улар тергов қилинган ҳар бир жиноятнинг сабабини аниқлаш ва келгусида бундай турдаги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга жиддий эътибор қаратишапти. Барча жиноят ишлари бўйича ЖПКнинг 297-моддаси талабига асосан юқори турувчи қўмондонликка тақдимнома киритилиб, уларнинг муҳокамасида ходимларимиз тўлиқ иштирок этишмоқда.

Кўрилаётган шундай чоралар натижасида Қарши ҳарбий прокуратураси назорати остидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда йилнинг ўтган даврида жиноятчилик ва ҳўқубузарликлар кескин камайишига эришилди.

Айтиш жоизки, жиноятчиликка қарши кураш бўйича Қарши ҳарбий прокуратураси билан гарнизон ва ҳарбий қисм қўмондонликлари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган. Бу борадаги масалалар ҳар чорак якунида ўтказиладиган мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида атрофлича муҳокама қилиниб, тегишли чоралар қўрилмоқда.

Ҳўқубузарликка мойил ҳарбий хизматчилар билан яқма-яққа суҳбат ўтказилиши йўлга қўйилган. Уларга «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 42-моддаси асосида таъсир чоралари қўлланилмоқда.

Жазо муқаррарлигини таъминлашда етказилган зарарни айбдорлардан тўлиқ ундириш муҳим аҳамиятга эга. 2004 йилда Қарши ҳарбий прокуратураси томонидан тергов қилинган жиноят ишлари бўйича айбдорлардан етказилган зарарнинг 92 фоизи ундирилган бўлса, 2005 йили

ҳамда 2006 йилнинг ўтган даврида ушбу кўрсаткич 100 фоизни ташкил қилди.

Шунингдек, яна бир жиҳатни таъкидлаш жоиз. Ҳарбий прокуратурада хизмат қилаётган ходимларнинг маҳорати ва билим савиясини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Йил бошида ишлаб чиқилган режага асосан ҳар чоракда икки мартадан ҳарбий прокуратура ходимлари билан Қашқадарё вилояти ИИБ эксперт-криминалистика бўлими ҳамда вилоят суд-тиббиёт экспертиза бюроси экспертлари иштирокида ўқув машғулотлари ўтказилапти.

Ҳарбий прокуратурада криминалистик техника ва тегишли қўлланмалар билан жиҳозланган криминалистика хонаси ташкил этилиб, ходимлар билан жиноят ишларини тергов қилишда замонавий техникдан унумли фойдаланиш тартиби ва усуллари юзасидан мунозам равишда семинарлар ўтказиб боришмоқда. Буларнинг барчаси ишмизнинг ривожига хизмат қилиши шубҳасиз.

Баҳодир ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Қарши ҳарбий прокурори

МУҚАДДАС БУРЧ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори Шухрат УЗОҚОВ



сизлик қўмитаси раиси А.Турсунов ва қўмита аъзолари билан «Ўзбекистон Республикасида мудофаа ва хавфсизликни таъминлашнинг ҳўқуқий асослари» мавзусида давра суҳбати ўтказилиб, семинар қатнашчилари палата фаолияти билан танишилди. Бундан ташқари ёш мутахассислар Бош прокуратура музейига олиб борилиб, Ўзбекистон прокуратураси тарихи ҳақидаги маълумотларга эга бўлишди.

Ходимларнинг малакасини ошириш бўйича семинарлар давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон президентининг 2005 йил 19 август кўни «Ўзбекистон Республикаси Куролли кучлари ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада тақомиллаштириш тўғрисида»ги қарориди ҳарбий хизматчиларга қўшимча пул тўланадиган энг кўп баллининг 25 фоизи миқдориди қўшимча балл берилди.

Ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳўимоясини таъминлашга оид қонунларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳарбий прокуратура органлари қисм командирлари ва ҳарбий муассаса бошлиқлари билан ҳар йили ҳамкорликда режа тузишдаи ва унинг ижросини таъминлаш мақсадида тадбирлар ўтказишади. Кўрсатиб ўтилган режа ижроси ҳар чоракда ўтказиладиган мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида муҳокама қилинади.

Мамлакатимиз Куролли кучларининг замон билан ҳамнафас бўлиши, ҳарбий хизматчиларнинг ҳаёти, соғлиғи, оила аъзоларининг ижтимоий муҳофазасига қаратилган янги қонунлар ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш чоралари кўрилаётганлиги соҳада ислохотлар давом этаётганлигидан далолатлар.

судига кiritилган даъвоаризаси тўлиқ қаноатлантирилди.

Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш ҳамма вақт долзарб муаммо бўлиб келган. Уяли ҳарбийнинг кўнгли хотиржам бўлади. Хизматни аъло даражада ўтайди. Шу талабдан келиб чиқиб уй-жой коммунал, электр энергияси ва табиий газдан фойдаланишда қонунларга риоя қилиш бўйича доимий равишда текширишлар ўтказилапти. Натижада қонунбузарликларнинг олдиди олинмоқда.

Қонунчилик тарғиботи асосан ҳудуддаги жиноятчилик аҳволидан келиб чиққан ҳолда ҳамда ҳарбий қисмларнинг алоҳида ҳуусиятлари эътиборга олиниб, қўмондонликлар билан ҳамкорликда тузилган режа асосида амалга ошириб келинапти. Бу борадаги ишларнинг самардорлигини ошириш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. ЎЗТВнинг «Ватанпарвар» кўрсатуви ва маҳаллий телевидениеларда мунтазам равишда чиқишлар қилиб боришган. Шунингдек, «Нўқид», «Ватанпарвар», «Инсон ва қонун», «Халқ сўзи», «Туркистон», «Ўзбекистон овози» ҳамда шарқий ҳарбий округ прокуратураси муассислигидаги «Ҳўқуқ ва бурч» ва жануби-ғарбий алоҳида ҳарбий округ прокуратурасининг «Қонун ва бурч» гезетларида жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш борасида қилинаётган ишлар юзасидан мақолалар чоп этиб келинмоқда.

Республика ҳарбий прокуратураси органларида кадрларни танлаш, касб маҳорати ва тажрибасини ошириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2006 йилнинг 13 — 15 апрел кунлари Ўзбекистон ҳарбий прокуратурасида «Ҳарбий прокуратура органларининг асосий вазифалари» мавзусида семинар ўтказилди. Унда Ўзбекистон қаҳрамони А.Орипов, Бош прокурату-

ва соғлиғи, оила аъзоларини ижтимоий муҳофазалашга қаратилган бир қанча қонунлар қабул қилинди. Буларнинг бари давлатимизнинг мудофаа қудратини оширишда муҳим омил бўлди.

Республика ҳарбий прокуратураси органларида Бош прокурорнинг 2004 йил 9 декабрдаги «Жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ҳамда суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишда қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан прокурор назоратини янада тақомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи зиммамизга катта масъулият юклаганди. Жорий йилнинг 1 июнигача бу борада амалга оширилган ишлар натижасида жиноятчилик 5,8 фоизга, шундан унча оғир бўлмаган жиноятлар 5,2 фоизга, ўта оғир жиноятлар 93,3 фоизга камайишига эришилди.

Ҳарбий прокуратурада жиноятчиликка қарши кураш ҳамда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энг асосийси, суриштирув ва дастлабки тергов устидан назорат яхшиланди. Биргина факт: айбланувчиларнинг жиноий қилимиши натижасида давлат ва бошқа шахсларга етказилган зарардан 88,3 фоизи тергов даврида ундирилган.

Судларда прокурор иштирокини таъминлаш бўйича қилинган ишлардан кўнглимиз тўқ, Жорий йилнинг 5 ойи мобайнида судларда кўрилган ишларнинг барчасида прокурорлар қатнашишган.

Апелляция протестининг самарадорлиғи 80,9 фоизни ташкил этган. Қайд қилинган даврда судларга киритилган даъволарнинг 91,1 фоизи қаноатлантирилган.

Бугунги энг асосий вазифа фуқароларнинг ҳўқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳўимоя қилишдир. Ўзбекистон президентининг 1998 йил 23 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмларда ҳарбий интизомни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони соҳада кат-

Ватан равақига ҳисса қўиш ҳамда тинчликини сақлашда муқаддас ишга бел боғлаш йигитларнинг муқаддас бурчидир. Зеро, тинчлик бундай эртанги кунга умид бўлади. Шу боис ҳар бир давлат мудофаа қудратини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Мамлакатимизда ҳам куролли кучларни ташкил этиш ва ислох қилиш бўйича махсус дастур

ўтган даврда ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳўқуқ-тартиботни, қонунчиликни мустаҳкамлаш юзасидан бир қатор ишларни амалга оширди. Ҳарбий хизматчилар ва оила аъзоларининг ҳўқуқларини ҳўимоя қилиш, ҳарбий хизмат тартибига риоя қилиниши, ҳарбий мулкнинг сақланиши юзасидан ўтказилган текширишлар ишлар жумласидандир.

НАЗОРАТ

қабул қилиниб, ҳар қандай тажовузни бартараф этиш ва душманга муносиб зарба беришга қодир бўлган, ичмам ва тезкор, замонавий куроллар ва техника билан таъминланган миллий армиямизни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳарбий хизматчилар ва оилаларининг манфаатини кўзлаб бир қатор қонунлар қабул қилинди. Уларнинг ижросини таъминлаш ҳарбий прокуратуралардан ҳам катта масъулият талаб этади.

Жануби-ғарбий алоҳида ҳарбий округ прокуратураси 2006 йилнинг

Бундан ташқари, 2006 йил «Ҳомийлар ва шифкорлар йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан округ ҳудудидидаги ҳарбий қисмларда тиббий муассасаларнинг фаолияти бўйича ҳам текширишлар ўтказилган.

Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳўимоялаш, уларнинг уй-жой билан таъминланиши, уй-жой ижараси учун компенсация тўлиниши ўрганилиб, аниқланган камчиликлар бартараф қилиб келинмоқда.

Маълумки, 2002 йил 12 декабр кўни янги тахрирда қабул қилинган

Ишонч оқланмоқда

Фаргона ҳарбий прокуратурасида кадрларни тарбиялаш ҳамда малакасини ошириш Бош прокурорнинг буйруқлари асосида ташкил этилган. 2005 йил ва 2006 йилнинг ўтган даврида Фаргона ҳарбий прокуратурасида 6 та ёш мутахассис хизмат қилган.



2005 йил 17 феврал кунини тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида ёш мутахассисларнинг ишини ташкил этиш тўғрисида»ги низоми асосида уларга Фаргона ҳарбий прокуратурасида хизмат қилаётган тажрибали ходимлар мураббий этиб тайинланган.

Фаргона ҳарбий прокуратурасида хизмат қилаётган ёш мутахассисларнинг барчаси Ўзбекистон ҳарбий прокурори ҳузуридаги аттестация комиссиясидан ўтказилиб, эгаллаб турган лавозимига лойиқ деб топилган.

2005 йилдан бошлаб ҳар бир ёш мутахассиснинг ой якуни бўйича ҳарбий прокурорга ёзма ҳисобот бериши йўлга қўйилган. Шунингдек, ҳар бир ёш мутахассисга ҳар уч ойда бир марта яққа тартибда топшириқ берилиб, уларнинг ёзма ҳисоботини прокурор ҳузуридаги тезкор йиғилишда эшитиб бериш

таъминланган. «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида ёш мутахассисларнинг ишини ташкил этиш тўғрисида»ги низоми ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ҳарбий прокурорининг буйруғига асосан ўқув машғулоти ташкил этилган бўлиб, уларда ёш мутахассислар тўлиқ иштирок этиб келяпти.

Бундан ташқари Фаргона ҳарбий прокуратурасининг режасига асосан барча прокурор-тергов ходимлари билан турли мавзуларда мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўқув машғулоти ўтказиб боришмоқда.

Фаргона ҳарбий прокуратураси офицерлари орасида Республика ҳарбий прокурорининг буйруғига кўра интизомий жазо олинган йўқ.

Меҳрож РАУПОВ,
Фаргона ҳарбий прокурори

Сўнгги сўзни суд айтади. Аммо...

тишув принципини таъминлайдиган механизмлар яратилди. Қонунчилиқни қўллаш амалиётининг либераллаштирилиши одил судловнинг тезкорлиги ва сифати ошишини, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларига риоя этишининг процессуал кафолатларини кенгайтди. Буларнинг барчаси судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокчи таъминлаш масаласига ҳам эътибор кўчатирилишини таъминлайдиган механизмлар яратилди.

Судловнинг барча босқичида фуқароларнинг, муассаса, ташкилот ва корхоналарнинг манфаати ҳимоя қилинишини таъминлаш прокуратуранинг асосий вазифасига айланганини эътироф этиш билан бирга судларда давлат айбловини қўллаб-қувватлаш самардорлигининг пасайиши жиноятчининг жазоланмай қолишига, адалат қорар топмаслигига сабаб бўлишини ҳам унутмаслик лозим.

Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштироки самардорлигини ошириш борасида Чирчиқ ҳарбий прокуратураси томонидан ҳам ижобий натижаларга эришиш келинапти. 2005 йил ва 2006 йилнинг ўтган даврида судларда иш-

бири бўлмиш айбланувчининг айбисизлик презумпцияси ҳам амалда исботини топмоқда. Қамоққа олинишга шахсларнинг ҳуқуқларига амал қилинаётганини, суднинг қонуний ҳукми чиққунча айбланувчига айбдорлик ҳиссини синдиришга йўл қўйилмаётганини, уларга таъйиқ ўтказиш ҳоллари учрамаслиги юртимизда инсон ҳуқуқлари тўлиқ таъминланмаётганини билдиради.

Шу ўринда ўтган йили қабул қилинган иқтисодиёт норматив ҳужжатга эътибор қаратсак, Ўзбекистон президентининг 2005 йил 8 августда қабул қилинган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармони суд процессига ҳам бўлган босқични озми-кўлми оидинлаштириб берган норматив ҳужжат саналади.

2005 йил 1 августда чиққан «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги фар-

мон ҳам ўз вақтида қабул қилинди. Унда мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиниб, унинг ўрнига мурбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилиши қўзда тутилган.

Мамлакат мустақилликка эришган пайтда жиноят тўғрисидаги қонунда ўлим жазосини назарда тутувчи 30 дан ортиқ модда мавжуд эди. 1994 йилги Жиноят кодексида бундай моддалар сони 13 тага, 1998 йилда 8 тага, 2001 йилда эса 4 тага камайtirилди. Ҳозирги вақтда фақат икки турдаги — жавобгарликни оғирлаштиради-

ган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этганлик учун ўлим жазоси назарда тутилган.

Давлатимизнинг жиноятга оид сиёсати ўлим жазосини бекор қилиниш қўллаш бўйича жаҳон тенденцияларига тўла мос келади ҳамда Ўзбекистон конституциясидаги инсонпарварлик ва одиллик тамойилларини изчил ифода этади.

Фаррух ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Чирчиқ ҳарбий прокурорининг ўринбосари



Ҳарбийлар қонун ҳимоясида

Наманган ҳарбий прокуратураси жамоаси фуқаро ва юридик шахсларнинг муносабатлари юзасидан муайян ишларни амалга оширмоқда. Ҳар ярим йил мобайнида келиб тушган муносабатларнинг ўз вақтида, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқиши, аризончиларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш борасида амалга оширилган ишлар таҳлил қилиб борилапти.

Наманган ҳарбий прокуратурасига 2006 йилнинг ўтган даврида келиб тушган муносабатлар сони 11 тани ташкил қилди. Улардан 4 таси тегишли органларга юборилган. 4 таси тергов қилинаётган жиноят ишларига қўшилган, 3 таси бевосита прокуратура органларида ҳал қилинган. Масалан, фуқаро Умид Ашуров ҳарбий прокуратурага ариза билан муносабат қилган. Маълум бўлишича, у Наманган ҳарбий савдо ташкилотиде 2003 йил феврал ойидан ишлаб келган. 2004 йил апрелда меҳнат таътилида бўлган вақтида ўрнига бошқа ходим ишга қабул қилиниб, у ҳозирга қадар ишсиз юрган. Мазкур ариза юзасидан текшириш ўтказилиб, Наманган ҳарбий савдо ташкилотининг 2004 йил 4 май кунги буйруғига

протест киритилди ва У.Ашуров ишга тикланди.

Яна бир эътиборга молик ҳолат. Чуст шаҳрида истиқомат қилувчи Ноила Холматова 2005 йили Наманган ҳарбий прокуратурасига ҳарбий қисмлардан бири билан шартнома тузиб, уини сотганини, лекин уй ҳақининг ярмини олмаганини баён қилиб, уй ҳақини тўлиқ ундириб беришини сўраган. Ариза юзасидан Наманган уй-жойдан фойдаланиш қисми томонидан сотиб олинган уйларга пул ўтказилишининг қонунийлиги текширилганда қисм уй-жой бўлими бошлиғи А.Дехқонов «Н»-ҳарбий қисм катта лейтенанти Ш.Фармонов ва «Пахтабанк»нинг Поп тумани ходимлари билан тил бириктириб, ҳарбий хизматчилар учун уй сотиб олиш мақсадида Мудофаа вазирлиги томонидан ажратилган маблағдан 24.167.500 сўмини ўзлаштириб юборганлиги аниқланди. Тергов якунига кўра 6 шахс жиноий жавобгарликка тортилган ва давлатга етказилган зарар айбдорлардан тўлиқ ундирилган.

Адхам ЗИЁВУДИНОВ,
Наманган ҳарбий прокурори

Она Ватан ягона

Яқинда Самарқанд ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Тожикистон билан chegarалош ҳудудларда истиқомат қилувчи уруғлиқлар ҳамда chegarа қўшилган ўртасида эсда қоларли учрашув бўлиб ўтди. Республика ҳарбий прокуратурасининг масъул ходими М.Солтев, вилоят ҳарбий прокурори Ж.Саиджонов, вилоят ИИБ бошлиғининг 1-ўринбосари Х.Жабборов, вилоят МХХ Уруғт туман бўлими бошлиғи Г.Жураев ва СамДУ социология кафедраси профессорлари Ф.Набиевлар иштирок этган ушбу учрашув маҳаллий аҳоли ва chegarачилар учун айни кутилган дилбар давра бўлди.

Талбирда миллий хавфсизлигимизни таъминлаётган армия, милиция ҳамда аҳоли ўртасидаги алоқани янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ зарурий чора-тадбирлар ҳақида келишиб олинди. Юзага келиши мумкин бўлган айрим тушунмовчиликларни шу жойининг ўзида бартараф этишга эришилди.

Исропил УМРЗОҚОВ,
Самарқанд ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунга асосан мамлакатимизда сафарбарлик чакруви резервидаги ҳарбий хизмат тури жорий қилиниб, унга кўра, бундай хизматга чакрурилганлар бир йил давомида муайян миқдордаги бадални махсус ҳисобга топшириши ва кейинчалик бир ойлик ҳарбий йиғинга чакрурилиши белгиланган.

Баъзан янги ҳарбий объектларни куришда ҳам қонунбузарликка йўл қўйилган. Масалан, прокуратура назорати остидаги ҳарбий қисмда куриляётган объектларда кўшиб ёзиш ҳисобида 5.130.720 сўмлик давлат мулки ўзлаштири-



етказилган зарарни бартараф этишга ҳисса қўшмоқда.

Киши ҳаётида соғлом турмуш тарзи муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ёшларни спортга жалб этишга эътибор қаратилаяпти. Жумладан, Қарши шаҳрида қаратилган «Shinkyokushinkay» йўналиши бўйича тўғарақлар ташкил қилинишига кўмак берилди. Ҳарбийларнинг фарзандлари тарбия топаётган «Дўстлик» болалар боғчасида ҳам шундай тўғарақ фаолияти йўлга қўйилди. Боғчада болалар учун яратилган шароит прокуратура томонидан ўрганиб боришмоқда. Керак бўлса кўмак берилаяпти. Оқруқ ҳарбий прокуратураси муассислигида чоп этиляётган «Қонун ва бурч» газетаси ҳам савоб ишга ҳисса қўшиб, боғчага магнитофон тақдим этди. Бундай хайрли ишлар яна давом эттирилади.

Анвар КЕНЖАЕВ,
Жануби-ғарбий алоҳида оқруқ ҳарбий прокурори

ОСТИДА

Юқориде кўрсатилган қонун ижроси юзасидан Қарши шаҳар мудофаа ишлари бўлимида текшириш ўтказилганда, 2003 — 2005-йиллари сафарбарлик чакруви резерви ҳарбий бўлимида хизматчилари фуқаролардан йиғилган 2.544.150 сўм пулни «Халқ банки»нинг Қарши шаҳар бўлимида очилган махсус ҳисоб-рақамга ўтказиш ўрнига ўзлаштириб юборганлиги аниқланди. Текшириш давомида айбдорлар етказилган зарарни истиқрий равишда тўлашди, мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзғатилди.

либ юборилган. Ушбу ҳолат юзасидан ҳам қонуний чора кўрилди.

Оқруқ ҳарбий прокуратураси Қашқадарё вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармасида маблағларнинг ишлатилиши юзасидан ўтказган текширишда бошқарма ҳисобчиси 2005 йил январ ойидан июл ойигача Марказий банкнинг вилоят бўлимидан иш ҳақи ва бошқа тўловлар учун олинган 21.714.578 сўм пулни талон-тароҳ қилганлиги аниқланди. Текшириш давомида айбдордан 2.000.000 сўм қайтарилиб, жиноят иши кўзғатилди. Назорат тартибиде ўтказилаётган бундай текширишлар



Қарши ҳарбий прокурори ўринбосари Сергей Эргашев ҳарбий прокуратурада ташкил этилган криминалистика хонасида прокурор-тергов ходимлари билан навбатдаги ўқув машғулотини ўтказмоқда.

«Адолат йўқолганида кишилар ҳаётига қадр-қиммат бера олиши мумкин бўлган ҳеч нима қолмайди».

Эммануил КАНТ,
немис файласуфи

Бу мақолани ёзишим шарт эди. Лекин бунга қарши бўлганлар ҳам учради. Бундан наф бўлармикан деб маслаҳат берган дўстларимизнинг фикрига эса қўшилмадим. Чунки бизнинг мақсадларимизга, қолаверса, инсонийликка зид бу воқеаларни жамоатчилик эътиборига ҳавола этмаклик менинг бурчим эди.

ТўЛИК БЎМАГАН АРИЗА

Раҳбаримиз бу аризани менга суриштирув ўтказиш учун топширганида уни зиёли киши ёзганини бир қарашдаёқ сездим. Аризининг орасидаги бир неча вараги йўқ эди. Шундай бўлса-да, ундаги вақтларни тушуниб олдим.

«Мен Жиззах вилоятининг Фориш туманида истиқомат қилувчи онаман. Бошимга тушган мудҳиш савдо ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Ҳеч ким менчалик ҳўрлик кўрмасин, — деб бошланади ариза. — 2006 йил 30 январ кунин соат 15 ларда уйимга нотаниш қиз кириб келди. У қизимнинг курсидаги эканлигини айтди. Қизим Жиззахдаги коллежлардан бирида ўқир эди. Бу қиз қизим йўқолганини, уни кимдир олиб қочиб кетганини айтганида ўзимни йўқотиб қўйдим. Қарахўлигимдан унинг қизимни дегирганлар пул сўраши мумкинлиги, кўпроқ пул ва тақинчоқлар олишим зарурлиги ҳақидаги гапига ишониб саксон миң сўм пул ва тилла тақинчоқлар олдим. Шу вақтда қизимнинг ҳаётидан бошқа нарса кўзимга кўринмасди. Биз йўлга тушдик. Эримнинг юраци ёмонлиги учун унга айтмай қўя қолдим...».

Аризаниннг давомин унга ва қизига нисбатан қилинган зўғумлар ҳақида эди. Ариза муаллифи билан суҳбатлашим, ундаги фактларнинг ҳаққонийлигини ўрганиш мақсадида Жиззахга йўл олдим.

«МЕН ЎЛДИМ, ЖИСМИМ КЕТИБ БОРАДИ...»

Гулнора опа ва унинг қизи Гулнозанин (исмлар ўзгартирилган) аҳолига ҳавас қилиб бўлмасди. Ҳаммасини уларнинг оғзидан эшитгимиз келди. Воқеани сўзлаб бера экан, Гулнора опа Бўлтақова бир неча бор ҳўшидан кетиб қолди.

— Биз ўша нотаниш қиз билан Жиззахга етиб келдик. Мен қизим ижарада турадиган квартирани яши билганим учун ўша томонга йўл олдим. Шунда у қиз менга юзланиб, «қизингиз у квартирадан кетган, бир ҳафтадан бери Энгелс кўчасидаги квартирада турибди» деди. Мен хайрон бўлдим. Қиз бошлаган уй сари борарканмиз, уқизимнинг پاسпорти биттасида «залог»-да турганини айтиб, 25.000 сўм берсам олиб беришини айтди. Мен унинг гапига ишониб қўлига айтган пулни бердим. Қўп ўтмай бир нотаниш хонадонга кириб бордик. Кейинчалик билсам, бу Бердиниёзовлар оиласи экан. Уйда уч-тўрт киши бор эди — эр хотин, бир ўғил бола ва мени бошлаб келган қиз. Улар менга қўпона муомала қилишиб, қизим уларнинг ўғлиларининг бошини айлантириб олиб кетганини айтишди. Айниқса Мардон деган бу одам қизимни ҳақоратлаб кетса бўлади. У ўғли бир ҳафтадан кейин уйланиши лозимлигини, шунинг учун қизим ўғлини олиб қочиб кетганини, шаллақи бўлгани учун бу унинг қўлидан келишини айтиб менга зўғум қилиб кетди. Мен юмшоқтабиат аёл бўлганим

ва қўриқиб ўзимни йўқотиб қўйганлигим учун бу гапларга ҳеч нарса демасдим. Уй-ҳаёлим тезроқ боламни топиш, уни тирик кўриш эди. Назаримда уни ўлдириб кўчага ташлаб кетишадигандек эди. Соат кечки ўнлар бўлиб қолганди. Менга рухсат беришмади. Тунни шу хонадонда мижжа қоқмай ўтказдим. Эрталаб ҳеч нарса татамай йўлга чиқдик. Мардоннинг гапига қараганда Алишер билан қизим Гулистонга кетганини қаердандир эшитишибди. Менга Алишернинг онаси Салима деган хотин ҳамроҳлик қилди. Йўлда у



менга бир сўм ҳам пули йўқлигини, йўлқарини тўлашим лозимлигини ўқитди. Розин бўлдим. Гулистонга етиб бориб қанақадир таксига ўтирдик. Аҳиллик деган маҳалладаги Темирйўлчилар кўчасида яшовчи Саломхондин деган йигитнинг уйига бордик. Бу ердагилар ҳақиқатан ҳам қизим билан Алишер келганини, қизим юпқа кийинганлиги, усти ёмғир-қордан ҳўл бўлиб кетганлиги, ўзи йиғлаб турганини айтишди. Алишер эса қизимнинг тилла тақинчоғини сотмоқчи бўлиб юрганини, йўлқарага пул кераклигини айтганлиги маълум бўлди. Улар бу ердан кетиб бўлишганди. Мен қизимнинг дарагини эшитиб сал ўзимга келдим. Қизим Форишга уйга кетган деган фикр келди. Лекин Салима билагимдан маҳкам тутиб, «қачон ўғлим топилади, кейин қўйвораман» деб туриб олди. Мен унга яқиниб-ёлвориб Жиззахга қайтишга зўра қўчирдим. Биз Жиззахга етиб келганимизда тун, совуқ эди. Мени қўйвормаётган, йўлбўйи ҳақоратлаб келган бу аёлдан кутилиб бўлмасди. Шунчалик паст кетибманки, қизимнинг эски квартирасига бориб тунаш учун унга нималар деб ялинмадим. Шу тобда эрким ўзимда эмаслиги ҳам мени унча қизқирмасди. Фарзандим топила бўлди эди. Унинг квартирасига келиб қизимни Алишер зўрлаб олиб қочиб кетганлигини эшитдим. Бу ҳақиқатга яқин гап эди. Эрта саҳарда уйнинг эгаси Адиба опа бозорга кетиш учун тайёрланди. Мен кечаси билан мижжа қоқмай тонг оттириб, тезроқ Форишга етиб олишни ўйлаб чиқдим. Кўнглим қизим уйга боришини сезиб турарди. Лекин шу пайтда дарвоза тақиллади. Кеча мен кўрган қиз билан боланин (Алишернинг укаси билан синглиси) дарвоза ортидан туриб «кечани хотин кетиб қолмадимми?» дегани эшитилди. Мен уларнинг олдига чиқдим.

— Тез юраркансиз, қизингиз билан акам топилди, — деди улардан бири мени шошириб. — Улар Гулистонда экан... Юрагим ҳаприқиб улар билан кетдим. Ҳовлисида кириб бордик. Уйда эса мени Салима билан Мардон кутиб турарди. Салима тўсатдан менга зўғум қилиб, «кеча менга нима учун пул бермадинг, шаҳарда машина кира қилишга ҳеч вақом йўқлигини билардинг-ку?» деб бақириб кетди. Мардон эса «қизинг ҳаммадан қолиб, менинг ўғлимга осилиб олмоқчи. Қизинг ҳам шу...»

Ўзинг ҳам шу... Ўғлимни топиб бер, э онангни...» деб сўкиб кетса бўладими. Менинг ҳажлим чиқди. Бу бақир-чақирдан қўриқиб қолдим. Ҳўп-ҳўп, қизим топила бўлди, мен уни олиб кетаман дедим. Шу тобда бу носоғлом оиллага у келин бўлиб тушишини истамаганлигим учун шундай дедим. Салимага қараб тезроқ кийинмайисизи деб сўрасам, Мардон кутуриб кетди.

— Қаерга борасан? Хали қочиб кетмоқчимисан? Тўй арафасида бу ташвишлар етмай бўлса, ҳозир бир сўм ҳам пул йўқ бўлса, — деб менга ташланди. Дарвоза сари қочмоқчи бўлдим. У сочқ билан маҳкам боғланган эди. Мардон мени уйга судраб кирди. У йирқин бўлиб кетган, овози борича сўзнаркан, мени ичкарига отиб юборди. Бу билан ҳам қаноатланмай кийимларимни йиртиб, ўзимни зўрлашга урина бошлади. Тиллим қалимага келмай қолди. Унинг фарзандлари бу томошани кўриб турар, Мардонни эса бу қизқирмасди.

«Шарманда қилманг, ака» деб ялинардим холос. Харнеқуч у мақсадига етолмаслигини тушундим, бўйнимга пилчоқ тираб:

— Қани, тилла тақинчоқларингни чқар-чи, қизингнинг қилиғи учун тўлов бу, — деди ва тақинчоқларимга ёпишди. Неча йил давомда ти-йинлаб пул йиғиб олганим бриллиант қўзи узук, сиргаларни юлиб олди. Хотини эса сумкамдаги пулларимни олиб қўйди.

Шундан кейин Гулистонга қараб кетдик. Йўлда қишлангандек юрдик. Гулистонда милицияга учрадик. Мен Азиз деган терговчига «мени бу оиланинг зўғумидан қўчқаринлар, улар мени соғ қўйишмайди» дедим. Шу ерда ариза ёзиб бердим. Салима эса аризани йиртиб ташлаётган эди, мен ёзавердим. Ҳўлла, биз яна уларни тополмай уйга қайтдик. Мен Форишга талпинардим. Ҳақиқатан уйга борсам, қизим келган экан. Алишер эса бошқа хонадонда етиб юрган экан. У келиб қизимни яши кўришини, бўлар ш бўлганини, унга уйланиши лозимлигини айтди. Мен унга ишондим. Қўлига йўлқара бериб жўнатдим. У икки кундан кейин келишини айтди ва шу билан қайтмади. Биз зўрланиб, ҳўрланиб қолавердик. Жуда қўп марта Жиззах тумани ИИБга ариза ёзиб бордик. Лекин аризамиз эътиборга олинмавермасди. Ва низоҳат аризамиз Гулистонга ўтказилди. У ерда экспертиза тайинланиб, қизимнинг номусига тегишганлиги исботланди. Лекин уларга

КўРМАСИН

нисбатан чора кўрилмай қолаверди. Орадан қўп ўтмай улар тўй қилишди. Алишер бошқага уйланиб кетди. Мен келин бўлиб тушган бир қиз бахтсиз бўлмасин деб жажжал қилмай юрибман. Таваб, ўзим қўяман-у, бошқага раҳим келади.

У «ШУНАҚА» ҚИЗ

Ҳақиқат бахсда туғилади деганларидек, биз Мардон Бердиниёзов хонадонига йўл олдик. Мардон акани кўчада учратиб ўзимизни таништирдик.

— Гулнора Бўлтақовани танийсизми?

Бизнинг саволимиз уни уйлантириб қўйди.

— Унинг қизи ўзи «шунанақ» қиз эди. Саксонтаси билан бўлган. Ўзингиз ўйлаб кўринг, муштдеккена қиз тилла тақинчоқларни қаердан олади? У осилиб олиш учун ўғлимни обектетиб қолганди. Қ-2 деган жойни эшитганмисиз? Кечки капалаклар мақони. У қиз ўша жойда яшарди. Ўғлимнинг уйланаётганини биларди. Шунинг учун у онаси билан қочилинган планини тузган.

— Қиз йўл бошлаган бўлса, улар ўғлингизнинг танишиникига борган-ку?

— Ўчил бола кетаверган-да бир маъза қиламан деб... Қиз уйимизга келиб-кечиб турарди. Бир неча кун тунаб ҳам кетган. Тўй арафасида қарашай деб илтмос қилувди. Шунинг учун етиб қолишга изн берганман. Ўғлимга айтдим буну йўқот деб... Мақсадингиз нима ўзин? Агар бу воқеалар газетда чиқадиган бўлса, қаранг! Экспертиза ҳулосасини айттайми? «Қиз эмас» деб қижариб берган. Лекин қайси вақтлардан бери қиз эмаслигини ҳеч ким айтиб беролмади. Натикожада уларнинг даъвоси қаноатлангиримди.

Салима Бердиниёзовани, Алишерни учратишнинг иложи бўлмади. Наилоҳ ортага қайтдик.

ҚИЗ ЙИГИТНИ ОЛИБ ҚОЧДИ!

«Чинор тағидидаги дузал» филминин томоша қилган киши қаҳрамонлар-

дан бирини қиз бола отда бориб олиб қочилиши гувоҳ бўлади. Лекин бу кино, унда баддий тўқима деган гаплар бор. Мардон Бердиниёзовнинг «ўғлимни обектети қолган» деган фикрига аниқлик киритиш мақсадида Гулнозани суҳбатга тортамыз.

— Шанба кунин эди. Форишга кетиш учун квартирадандан чиқдим. Шунда бир «Тико» келиб тўхтади ва ичидан Алишер чиқиб мени судраб машинага ўтказди. Биз олдиндан таниш эдик. У менга севги изҳор қилиб юрарди. Машина бизни автостанцияга ташлади. Алишер Гулистонга бирга боришимизни айтиб туриб олди. Ҳадеб менга уйланишини, бирга қочишимиз лозимлигини такрорлайверди. Биз Гулистонга бориб Салоҳиддин деган одамниқига тушдик. У менинг тилла сиргамни сотмоқчи бўлди. Мен кўнмадим. Кечаси мана шу хонадонда тунаб қолдик. Уйдаги нотаниш одамлар кечаси ичиб олиб ўзларини ноҳўп туттиларди. Ярим кечаси ёнимдаги шарпадан уйғониб кетдим. Алишер менга тирғалиб номусимга теғди. Мен овозим борича чиққириб қаршилик кўрсатдим. Лекин ҳеч ким мени эшитмасди. Эрталабча йиғлаб чиқдим. Эртасига Форишга қайтиб келдик. Шундан кейин... Ҳозир уйланган. Яқинда уни хотини билан узокдан кўриб қолдим...

ФАКТЛАР ЎЖАР БЎЛАДИ

Бу қарама-қарши фикрлардан қайси бирига ишонини билмай қолдик. Лекин шундай фактлар бўлади, масалага бироз ойдинлик киритишга ёрдам беради. Масалан, мана бу Алишер Бердиниёзовнинг тилхатини олайлик. Уни сўзма-сўз келтирамиз:

— Мен Бердиниёзов Алишер 1987 йилда туғилганман. Мен Раҳимова Гулнозани ҳақиқатан ҳам олиб кетганман. Менинг ота-онам Гулнозани олиб беришга норози эди. Мен шунинг учун бу ишни қилдим. Ҳозир мен ота-онаминг олдига бораёман. Яъни, 2006 йил 2 феврал кунин кетдим. Бўлтақова Гулнора она-йигити билан тилларини олиб қўйган. Мен тилларини олиб келиб бераман. 2006 йил 3 феврал кунин эрталаб олиб келиб бераман.

Алишер БЕРДИНИЁЗОВ /имзо/

Воқеа Гулистон шаҳрида бўлганлиги сабаб шу шу ердаги ИИБ томонидан кўрилган. Лекин қизининг ўзи иктиёри билан келганлиги сабабли, экспертиза шу ерда жинсий алоқа қилинганлигини аниқлай олмаганлиги учун гумондорга нисбатан жиноят иши кўзгатиш рад этилган.

Бердиниёзовлар оиласи ҳақида суриштирганимизда Алишер олти ой олдин ҳам оиласидан қочиб кетганлиги, оила аъзоси Салима опа эса илгари турли низоли ишлар юзасидан судлашганлиги маълум бўлди.

Гулнора онанинг гапига қараганда, Жиззах тумани ИИБ уни Мардон Бердиниёзов ҳўрлаганлиги, тақинчоқларини олиб қўйганлиги ҳақидаги муурожаатини эътиборсиз қолдирган. Бундан ажабланиб ва тумани ИИБ билан боғланиб, Бўлтақова Гулнора Мардон Бердиниёзовнинг хатти-ҳаракати устидан расмий ариза бермаганлигини билдик. Номусга теғиш факти юзасидан эса шу Гулистон шаҳар прокуратурасига ўтказилган. Нима бўлганда ҳам ҳақиқатни аниқлашга ҳали имконият бор...

ҲАКИМ РАҲМОН,
«Huquq» муҳбири

Оқиб келган миллиардлар...

Эскобар «Форбс» журнали эълон қилган энг бадавлат кишилар рўйхатидан жой олган. У 34 ҳашаматли уйга, 500.000 гектар ерга ва 40 дан ортиқ қимматбаҳо автомобилга эга эди. У «Неопол» номли ҳашаматли уйда (20.000 гектар) қўтбадаги энг катта ҳайвонот боғини барпо этган. Унга дунёнинг турли бурчларидан 120 та антилопа, 30 та қўтос, 6 та бегемот, 3 та фил ва 2 та ўрдақбурун ҳамда бир қанча ноёб жониворлар келтирилган.

Пабло Эскобар жиноий фаолиятини ёшигидан маҳаллий қабристондан қабр тошлари ва панжараларни ўғирлаб сотиш билан бошлаган. 1976 йилда жиноий тахрибасини анча ошириб олган Пабло 39 кг. кокаинни чегарадан олиб ўтаётган пайтида қўлга олишди. Бир неча йилдан сўнг Паблонинг қўлга олган полиция офицери ва хибсага олишга ордер берган судья унинг буйруғи билан ўлдириб кетилади. 1970-йилларнинг охирига келиб Пабло чилиликлардан кокаин ишлаб чиқаришни тортиб олади ва уни катта фойда келтирадиган (АҚШда бир йилда — \$86 млрд.) бизнесга айлантиради. Айнан Пабло сабабли Колумбияда катта нақд пул айланиши вужудга келди ва мазкур давлат бутун дунёга машҳур бўла бошлади. Колумбияда «Меделин кокаин картели» вужудга келди. Ри-вожланиб бораётган картел камбағалларга уйлар қуриш билан шахарни қуршаб ола бошлади. Янги сайланган губернатор Алваро Урибега метро қуришда катта ёрдам кўрсата бошлади. Чекка қишлоқлардан келиб янги уйларга кўчиб кираётган халқ Паблонинг Миллий конгрессга аъзо қилиб сайлади. Уша даврларда 1-рақамли наркобарон инсон ҳуқуқлари мавзусида турли мажлис ва семинарлар ўтказарди.

Наркобизнесдан Терроризмга...

1984 йили Пабло Эскобарни адлия вазири Родриго Лара Бонилини ўлдиришда асосий ташкилотчи сифатида ҳамда наркотик савдоси билан шуғулланишда айблан, хибсага олиш тўғрисида ордер берилди. Шундан сўнг Пабло нолегал ҳолатга ўтиб олиб Колумбия ҳукуматига қарши террористик хуружларни бошлади. Президентликка номзод Луис Карлос Галано ўлдирилгандан сўнг наркобарон ва ҳукумат ўртасидаги кураш ҳақиқий урушга айланма кетди. Икки йилдан камроқ давр мобайнида наркомания томонидан 1000 га яқин киши ўлдирилди. Шулардан 520 нафари полиция ходимлари эди. Эскобарнинг ёнланма қотиллари наркоманияга қарши чиққан судья, полициячи ва журналистларни шафқатсизларча гумдон қилишарди. Эскобар кетига тушганларни қўрқитиш мақсадида бортида 107 нафар йўловчи бўлган авиалайнерни портлатишни буоради. Йўловчилар орасида Колумбиянинг бўлажак президенти Андрес Пастрана ҳам бор эди.

Эскобарнинг қонуний фаолиятида Панаманинг соқибдиктатори Мануэл Антонио Норега ва Перу разведка хизматининг собиқ раҳбари Владимир Монтесинос каби кишилар ҳам иштирок эттишган. Эскобарнинг картели наркотик ишлаб чиқариш ва унинг савдоси бўйича жуда кенг тармоқни вужудга келтирди. Бугунги кунга келиб мазкур наркомперияда 4 миллиондан зиёдроқ киши хизмат қилади. Аҳолиси 33 млн. бўлган мамлакат учун бу кўрсаткич даҳшатлидир. Наркотик этиштирилладиган плантацияларни қўриқлаш учун оддий кишилар ишга олинарди. Бу ушун яхши пул тўлангани сабабли талабгорлар кўп эди. Наркотик ис-

теъмол қиладиганларга эса бу иш энг олий оرزунинг рўёбга чиқишидай саналарди. Бироқ айни мана шундай қўриқчилар орасида тез-тез куролли тўқнашувлар бўлиб турарди. Ҳўжайинларни эса бу асло хавотирга солмасди. Чунки битта ўлган қўриқчининг ўрнига иккита янгисини олиш муаммо эмасди.

Гилдиракли уйлар...

Эл Доктор ташаббускор жиноятчи эди. У гилдирак ўрнатилган уйлар қурган, сувости кемаларида ўзининг кирдиқорлари учун фойдаланарди. Бирок барон америкаликлардан 727 та самолёт сотиб олган. Ушбу самолётларда у ишлаб чиқарилган оқ ажални АҚШга

кечиришни давом эттирарди. Унинг қонуний рафиқаси ва фарзандлари ҳам бор эди. Энг камтарона ҳисобки тобларга кўра 1-рақамли наркобароннинг бойлиги 10-12 млрд. долларни ташкил қиларди. Эскобар бу бойлиқни фақат ўзининг роҳати учун сарфларди. Унинг 400 дан ортиқ жазмани худди чўрилар каби ҳаёт кечирарди. Улар учун Эскобар алоҳида шаҳарча (7400 кв. акр) қуриб берган. Шаҳарчада истикомат қилувчи гўзаллик конкурслари совриндорлари, фотомоделлар ва актрисаларнинг ҳар бирига алоҳида коттеж ажратилган эди. 1993 йилда энг гўзал ва ҳашаматли шаҳарча инкирозга юз туғди. Шаҳарча наркобароннинг издошлари-га қўлиб кетди. Унда истиқомат

хавфсизлиги учун пулни аямасди. Наркобаронни 200 та куролланган киши қўриқларди. 1993 йилга келиб мукофот пули 20.000.000 долларга кўтарилиши мумкинлиги ҳақида гап-сўзлар тарқалди. Лекин бунга зарурат қолмади.

Эслатиб ўтамиз, бугунги кунда жиноятчини топиш учун эълон қилинган энг катта мукофот пули (дунёда энг хавфли террорчи бин Лоднинг боши учун) 5.000.000 долларни ташкил қилади.

Корпоратив қасос...

Маҳаллий ҳукуматнинг наркомания аъзоларини АҚШга ушлаб беришга қаратилган ҳар қандай ҳаракатиға жавобан жиноятчилар

гес Гаша полициячилар томонидан ўлдирилади. Картелнинг қолган раҳбарлари, яъни Эскобар, Луис Очоа ва унинг икки укаси ҳукуматни музокарага чақиради. Картел ҳукуматга қуйилган шартларни қўяди: улар қўнгилиги таслим бўлишди, бунинг эвазига уларга фақат битта жиноят юзасидан айб қўйилади, АҚШга топшириш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Бундан ташқари Энивагада (Эскобар туғилиб ўсган шаҳар) картелнинг босслари учун махсус қамоқхона қурилади. 1991 йилда Эл Доктор қонун ҳимоячиларига таслим бўлади. Бу ишни у ўзини қутқариш учун қилган эди.

Ҳашаматли қамоқхона...

Таслим бўлган 1-рақамли наркобарон телекамералар олдида кўзларида ёш билан бу ишни Колумбиянинг истиқболи ва инсон ҳуқуқларининг таъминланишига содиқ қолиш мақсадида қилганини айтди. Колумбия президенти мамнуният билан мамлакатда наркотерроризмга барҳам берилганини эълон қилди. Эскобар эса 12 нафар ёрдәмчиси билан 13 ой давомида махсус қурилган ҳашаматли «Ла Катедрал» (La Catedral) қамоқхонасида дам олиб ётарди. Уни хавотирга солаётган бирдан-бир нарса унинг АҚШга топширилиши мумкинлиги эди. 1992 йилнинг июл ойида Эскобар қамоқхона қўриқчилари билан келишиб, у ердан қочишга муваффақ бўлади. Бироқ уша пайт унинг тарафдорлари мақсадида эришган эдилар. Колумбиялик қонуншунослар фуқароларни экстрадиция қилмасликка қарор қилдилар.

Наркобароннинг анча оёққа туриб олган рақобатчиларидан бири, яъни Кали картели унинг боши учун 40 млн. доллар эълон қилди. «Қидирув блок» номли полиция маҳаммаси, Американинг МРБси, наркотика қарши кураш бюроси ва Лос ПЕПЕС мамлакат бўйлаб бир йил давомида Эскобарни қидирдилар. Бироқ айёр Эл Доктор ҳар гал таъқибдан қочиб қутуларди. 1993 йил Пабло 44 ёшга тўлган кунини (қидирувнинг 499-кунини) табрикларни эшитиш учун қариндошларига қўнғирок қилинаётган манзил аниқланди. 500 нафар полициячи Колумбиядаги Меделин шаҳрига йўл олди. Пабло ва унинг икки савдоси томондан қочишга уриниб қўришди. Бироқ снайпернинг ўқи кокаин қиролини ер тийлатди.

Пабло Эскобар ўз қасамига содиқ қолди. У АҚШдаги қамоқхонада бир кун ҳам ўтирмади ва Колумбиядаги қабрида қолди. Бироқ Колумбиядаги наркотик билан боғлиқ муаммолар ҳамон барҳам тогани йўқ.

«Эл Доктор»нинг интиқоси...

Пабло Эскобарнинг дафн маросимида 20 мингга яқин киши иштирок этди. Тобутни кўтариб кетаётган наркобароннинг сафдошлари омма билан аралашиб кетишди. Тартибсизлик оқибатида тобутнинг қоққони тушиб кетди. Барча йилгиланган Паблонинг совуб бўлган юзига қўл узатиб яқиндагина тирик афсона ҳисобланган кишини ушлаб қўришга ҳаракат қиларди.

Ҳозирги кунда Эскобарнинг беваси ва фарзандлари Аргентинада истиқомат қилишади. Укаси душманларидан келган бомба-хат сабабли қамоқхонада кўр бўлиб қолган. Ҳашаматли сарой ва виллалар ҳамда қимматбаҳо автомобиллар талон-тароқ қилинган.

Пабло Эскобарнинг яқин ҳамкорларидан бири Алваро Урибе кейинчалик Колумбия президенти этиб сайланди.

КОЛУМБИЯЛИК ПАВЛО

**Либераллар
партиясининг
депутати Пабло
ЭМИЛИО ЭСКОБАР
ГАВИРИАНИ
ватанида Эл
Доктор ёки
Робин Гуд деб
аташарди.
Сабаби у колум-
биялик камбағал-
лар учун юзлаб
арзон уйлар
қуриб берган
эди. АҚШ ҳукума-
ти эса «Колум-
биялик Пабло»-
нинг боши учун
10.000.000
доллар мукофот
эълон қилганди.**



қилаётган хонимлардан 30 га яқини-нигина наркоманиянинг бошлиқ-ларини панохига олишди. Қолганлари эса оддий аскарларга қўлиб кетиб кейинги ҳаётлари янчили бўлди. Кимнидир картада ютказиб қўйиш-ди, баъзиларни ҳатто бир яшиқ қимматбаҳо коньякка алмашиб ҳам юборишди. Аксарият қизлар эса фоҳишахоналарга сотиб юборил-ди.

Наркобизнес...

Уша пайтларда Колумбияда кокаиннинг таннархи 4-5 минг доллар атрофида бўлса, Америкада уни 60 минг долларга пуллаш мумкин эди. Пабло Эскобар асосий эътиборини АҚШдаги ҳамкорларга қаратганини сабаби ҳам шунда. Аввалига кокаин АҚШга асосан жомадонда, бензобак ва машинанинг бағаж-ларида олиб ўтиларди. Уша пайт-ларда Америкада 1 кг. кокаин 1 кг. йирик купюрадаги пулга алмаши-нарди десак хато бўлмайди. Қисқа вақт ичида 1000 фоиз даромад кел-тирадиган бизнесга барча ёлпаси-га берилиб кетди. Натижада ри-вожланган наркобизнеснинг пушта ишлаб чиқилган савдо ва транс-порт тизими ҳамда тушган маб-лагни айлантириш учун банклари вужудга келди. Мазкур бизнесда ўзинга хос факултетада ҳолатлар ҳам учраб турарди. Бироқ бу нарса нар-комания учун зарар келтирмасди. Сабаби, ишлаб чиқилган наркотик маҳсулотнинг 90 фоизи ноубуд бўлган тақдирда ҳам бу ҳеч қанча зарар келтирмасди.

Пабло Эскобарнинг боши учун 10.000.000 доллар мукофот эълон қилинган. Ушбу кўрсаткич ҳатто Киннинг рекордлар китобидан жой олган. Бироқ наркобароннинг изига тушган киши бир неча сутка яшаши мумкинлигини барча яхши тушунгани сабабли бундай йирик мукофот билан ҳеч қим қизиқмасди ҳам. Кокаин орқали миллиардлар топаётган Пабло Эскобар ўзининг

юборарди. Гилдиракли уйлардан ташкил топган қишлоқларда тинч аҳоли яшарди. Қишлоқнинг ўзи эса самолёт қўниши учун мўлжаллан-ган майдон устида барпо қилин-ганди. Самолёт учиб келаётганда уйлар четта сурилдиб қўниш майдон-ни бўшатиладди сўнг қишлоқ яна ўз жойига қайтариларди. Бу каби рейсларнинг ҳар бири америкалик гиёхвандларга 15 тонна кокаин олиб келса, Эскобарнинг чўнтаги-га 250 млн. доллар фойда берар-ди.

Сувости кемаси ҳақида гап кел-тадиган бўлса, бунчи голливуд филь-ми учун ёзилган сценарийга ўхшат-са бўлади. Уша пайтларда Эскобар Петербургдаги йирик уюшган жи-ноий гуруҳ орқали сувости кемаси-ни сотиб олишга буюртма беради. Жиноий гуруҳ коррупциялашган ҳарбий офицерлар билан боғлан-ганидан сўнг Эскобарнинг буюрт-маси Кронштадда турганини айти-шади. 1992 йилда қурилишига 100 млн. доллар сарфланган «Фокс-рот» маркали сувости кемаси эва-зига наркобарондан 20 млн. дол-лар талаб қилинади. Узоқ давом этган савдолашишдан сўнг мазкур кема 5,5 млн. долларга пулланади. Шу билан бирга Пабло ойига 500 доллар маш тўлаш шarti билан истеъфодаги капитан ва 17 нафар денгизчини ёллади.

Ҳарам учун шаҳар...

1980-йилларнинг охирига келиб Эскобарни энг қучли хавотирга со-ладиган нарса Лос ПЕПЕС (Los PERES) наркобарондан жабр кўрган кишиларнинг уюшмаси эди. Уош-манинг асосий мақсади наркоба-рондан қасос олиб уни йўқ қилишга қаратилганди. Ташвишга тушгани билан наркобарон дабдабали ҳаёт

2003 йил 8 январь.

Янгиқўрғон туман ички ишлар бўлимига «Бирлашган» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Абдулла Жўрабоев муурожаат қилиб келди. У аризада онаси ва унга синглиси 2002 йил 12 декабрда уйдан Нанай қишлоғига олма теришга чиқиб кетиб, қайтиб келмаганлигини баён қилганди. Унинг оила аъзоларидан хавотир олаётгани юз-кўздан билиниб турарди. Бу хабар ҳужук-тартибот ходимларини бироз бўлса-да ўйлантириб қўйди. Негаки, бир хонадондан бирдангина тўрт кишининг бедарак кетиши камдан-кам кузатиладиган воқеа эди. Шундай бўлса-да, муурожаатга асосан бедарак кетганларга қидирув эълон қилинди. Охириги марта кимлар кўрган, қаерларга боргани суриштирилди. Нанай қишлоғига борилиб, уларнинг ўша кун бу ерга келган-келмагани сўралди. Афсуски, улар Нанайга боришмаган экан. Демак, йўлда бирон қор-ҳол юз берган ёки бўлма...
Хужук-тартибот ходимларида бу каби тахминлар анча-мунча эди. Шундай тахминлардан бири жабрланувчининг уйига бориб тақаларди. Чунки охириги марта онасини ҳам, сингилларини ҳам фақат жабрланувчи Абдулла Жўрабоев кўрган. Шу тахминга аниқлик киритиш мақсадида унинг уйига ҳам борилибди. Мазкур уйга анча вақтдан буён аёл кишининг қўли тегмагани шундоққина билиниб турарди. Ҳаммаёқ ифлос, бетартиб бўлиб ётарди. Яна бутун ҳовлини чидаб бўлмас ҳид тугиб кетганди. Маълум бўлишича, Абдулла ҳожатхонадаги гўнги чиқариб, ерга ўғит сифатида сочиб ташлаган экан. Бу ерда турининг ўзи маҳол эди. Хатто бу ҳид қўшни ҳовлиларга ҳам ўтганди.

Хужук-тартибот ходимлари бу ердан ҳам жўяли бир нарса топишолмади. Барча уринишлари бесамар кетаверди. Бедарак йўқолганларни кўрдим деган киши топилмасди. Шундай бўлса-да, қидирув давом эттириляверди. Уларнинг сурачлари кўпайтирилиб қўшни туманларга, вилоятларга юборилди. Кўнлар, ойлор ўтди. Лекин ҳеч қандай хабар келмади.

2003 йил 8 июн.

Айнан шу кун Янгиқўрғон туман ИИБга яна бир киши муурожаат қилиб келди. У Абдурашид Қурбонов бўлиб, уйдан айрим нарсалар ўғирлаб кетилганини айтди. Ўғирликда эса ён қўшниси Абдулла Жўрабоевдан гумон қилаётганини таъкидлади. Жабрланувчининг муурожаатига асосан тезда тезкор гуруҳ тўзилди. Вақтни кўздан бой бермай, гумондорнинг уйини кўздан кечириш лозим эди.

Махсус гуруҳ ҳудуд нозира иштиракида мазкур ҳовлига кириб борганида Абдулла Жўрабоев уйда дамо олиб ётган экан. У қўшниси етказиб келган милиция ходимларини кўриб бироз эсанкараб қолди. Ўғирликка алоқаси йўқлигини, қўшниси тухмат қилаётганини таъкидлади. Лекин милиция ходимлари унга ҳақ-ҳужукларини тўшунтириб, уйни кўздан кечиришни бошлади. Бундан қарангки, Абдурашид Қурбоновнинг гумони тўғри чиқди. Унинг ертўласидан Абдурашид Қурбоновнинг ўғирланган нарсалари: ҳар хил ўлчамдаги тахталар, қурилиш ашёлари ва «КамАЗ» машинасининг эҳтиёт қисмлари, жами 900.000 сўмлик моллар топилди. Холислар иштирокида ўғирлик моллар ҳисобланиб, эгасига қайтарилди. Абдулла Жўрабоев устидан эса жиноят иши қўзғатилиб, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинди.

— Бу нарсаларни мен ўғирлаганим йўқ.

— Унда ким ўғирлади? Биров ўғирлаб, уйингнинг ертўласига яшириб қўйибди-да унда. Шундайми?

— Бунинг ҳаммасини Абдурашид аканинг Тоҳир деган ўғли қилди. У сеннига турби турсин, отам билиб қолса бермайди деб ҳамма нарсани ўзи олиб келиб қўйиб кет-

ган.

— Нега энди ўзининг уйдан ўғирлаб чиқиб, сеникига қўйган?

— Шу нарсаларни сотиб, пулламоқчийди. Отаси билиб қолса бунга йўл қўймади-да.

— Кўй, бу ёлғонингга ҳеч ким ишонмайди. Мени алдайман деб овора бўлма.

— Мен...

— Онанг билан сингилларингдан бирон хабар борми?

Терговчи Ғайрат Алимовнинг бу саволи Абдуллани довдиратиб



ЖУМОН ЭЗЛИК

қўйди.

— А?..

— Бундан уч-тўрт ой олдин онам, сингилларим йўқолди, деб муурожаат қилиб келувдиринг шекилли. Шундай эмасми?

— Ҳа... Ҳозирча ҳеч хабар йўқ.

Абдулла бироз ўзини тугти олган бўлса-да, рўпарасида ўтирган терговчининг кўзига тик қаролмасди. Терговчи бошида бедарак йўқолган қариндошларини эслатиб, ярасини янгиладики, довдиргани шундан бўлса керак деб ўйлаганди. Лекин унинг қўл-қизариб кетиши, қўшниси ҳаммаёқ олиб қочавериши терговчини ҳам ўйлантириб қўйди. Шунинг учун бу ишга қаттиқ киришишга аҳд қилди.

Ғайрат Алимовни нимаси биландир ўғирлик моллар топилган ҳовли ўзига тортаверди. Ўша ҳовлида нимадир бордек, қандайдир синаот яширигандек туюлаверди. Шунинг учун ҳудуд нозира ҳамроҳлигида яна ўша ҳовлига кириб боришди. Энди бу ҳовли янада файсиз, ташландик аҳволга келиб қолганди.

Терговчининг гумони тўғри чиқди. Улар ҳовлини кўздан кечириб чиқиб бироз чўккан жойга эйтибор қаратишди. Эҳтиёткорлик билан чўккан жойининг четидан қаза бошладилар. Ҳали унчалик чуқур ҳам қазилмаганди. Бир пайт белкуракнинг учи пахтали материалга текканини сезгандек бўлишди. Яна бироз қазигандан кейин эса инсон тасани...

Кўни-қўшнлар, шу хонадоннинг барча қариндош-уруғлари ва ҳужук-тартибот ходимлари иштирокида хандак қайтадан қазилди. Бироздан кейин ҳамма бу ерда содир этилган ҳунрезликлардан воқиф бўлди. Айрим қариндошлар бунга чидалмай дод солиб ўкириб юборишди. Охиригача қазилган хандакдан устларига кўрпача ва шолча ёлғандан тўрт кишининг жасади чиқди. Уларни таниб олиш даргумон эди. Тана, кийимлари бутунлай чи-

риб улгурган.

Яна Абдулла Жўрабоевдан гумон қилинди. Бошида у ўзига қўйлаётган барча айбларни рад этди. Лекин рад этиб бўлмас далиллар келтирилиб, айби исботлаб берилганидан кейин тан олишдан бошқа илоҳи қолмади.

Бунга ишониб қўйин эди. Наҳотки фарзанд ўз онасига қўл кўтарган, бошига етган бўлса? Наҳотки сингил учун қалқон бўлиш урнига бир йўла ўз синглисининг умрига зомин бўлган бўлса? Унинг мажбури эрди? Онаси ва сингилларини ўлдиршига қандай қўли борди?

Абдулла Жўрабоев тергов мобилини онаси доимо уни ҳўрлаб келганини, ўлдирган

ўғлининг қатий туриб олганини кўрган она сўнгги чорани кўришга аҳд қилди.

— Агар мени десанг, ундан воз

...онаси ва уч синглисини ҳам бир хил усўлда — ярим метрлар келадиган темир бўлағи билан бошига уриб, кейин синтетик ип билан бўғиб ўлдирганди.

кечасан.

Она шу топда ўғлининг мени кечиринг ойи, сизни дейман дейишни кутганди. Аммо бундай бўлмади. Абдулла онасининг кўзига тик боқиб:

— Сиздан кечсам кечаман, лекин ундан сира ҳам воз кечмайман, — деди.

Она ўғлининг ўзини бир енгилтабиат аёлга алмаштириб юборишни кутмаганди.

— Ҳали шунақами? Бор йўқол, ўша мегажин билан қаерда яшасанг яшайвер. Сенга ҳам, унга ҳам бу уйда жой йўқ.

— Уйда менинг ҳам ҳақим бор.

Ҳеч қайққа кетмайман.

Она ўғлини ҳовлидан итариб чиқаришга уринди. Абдулла эса онасининг қўлини силтаб ташлади. Бунга чидалмаган она жаҳл устида унинг юзига шапалоқ тортиди. Ўғил ҳам жавоб тариқасида онанинг юзига тарсаки тилларди. Кейин бўйиндан бўғиб бўлиб бошлади. Жанжалга сингиллар аралашиб, иккисини ажратиб қўйишга ури-

энди онаси билан бўлаверсин деб қайтариб юборди. Қайтиб келган Абдуллани она ҳам уйига киритмади. У кечаси билан кўчада қолиб кетди...

Азонда Абдулла уйга кириб, онасидан кечирим сўради. Бундан кейин айтганингизни қиламан деб сўз берди. Жанжални эшитиб, тонгда тоғаси ҳам кириб келди. Жиянига панд-насихат қилган бўлди. Чой ичиб бўлишгач, тоғажан бозорга чиқиб кетишди.

Кундузи соат 11 ларда келса, катта синглиси уйда экан. Ундан онасини, сингилларини сўради. Онаси маҳалла идорасига кетган, сингиллари мактабдан ҳали қайтишмаган экан. Пайтдан фойдаланиб, у синглисини ичкаридаги хонага чақирди. Бироздан кейин якка ўзи қайтиб чиқди. Орадан кўп ўтмай кенжа синглиси мактабдан келди. Уни чиғириб олиб келар экансан онам айтди деб холасиникига жўнапти юборди. Соат учларда эса иккинчи синглиси мактабдан келди. Уни олмалар сараланадиган омборхонага чақириб, онаси олмаларни тозалашни тайинлаганини айтди...

Соат бешларга яқин онаси ҳам келди. Қизларини сўраганда, Абдулла бири дугонасиникига кетганини, яна бири шу ерда эканлигини айтди. Бунга ишонган она кечки

сингиллари ҳам унинг тарафида бўлганлиги учун шундай қилганини таъкидлади. Бундан бошқа мақсади бўлмаганини айтди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлганмикин?

Абдулла 14 ёшга етганида отаси билан онаси оиладаги келишмовчиликлар туфайли ажрашишди. Онаси Хайринисо Жўрабоева беш фарзанд билан қолди. Ота эса кўп ўтмай бошқасига ўйланди. Оилада отанинг йўқлиги туфайлими, Абдулланинг тарбияси унчалик яхши эмас, ўқиши ҳам ҳаминқадар эди. Мактабни битирди-ю армияга кетди. Хизматни тугатиб келиб ҳам на бирон ўқишга киришга уриниб кўрди, на фойдали ишининг этагидан тутди. Уйда бўлса иш хоҳлаганча топиладди. Олма териш, ювиб тозалаш, мол-ҳолга қараш... Ўғлининг бўш юрганини кўрди дегунча она ҳам унга иш буорар, меҳнат қилишга тоқати қолмаган Абдулла эса илоҳи борича уйдагиларга кўринмасликка ҳаракат қиларди. Шу мақсадда кўп вақтини кўчада кайфсафо билан ўтказадиган одат чиқарди. Бир кун Чортқок туманига бориб, у ерда Шоира деган аёл билан танишиб қолди. Икки фарзанди бўлган бу аёл енгилтабиатроқ бўлиб, уйига кунда-кунора «мехмон» келиб-кетарди. Абдулла ҳам шундайларнинг бири эди. Нима бўлди-ю, Абдулла ўзидан беш ёш катта, яна икки фарзанди бор бу аёлга кўнгли қўйиб қолди. Унга уйланимқоки эканини айтиб, турли ваъдалар берди. У норози бўлса-да, фарзандлари билан уйига олиб келди.

— Мен бу аёлга уйланимқоқиман.

Энди улар бизникида яшайди.

Ўғлининг бу гапидан она бутунлай эсанкараб қолди. Ўғлидан бундай қилгилини кутмаганди.

— Эсинг жойидими? Келиб-келиб уйимга хотин қиламан деб бир бузуқини бошлаб келасанми? Бошқаси қуриб кетганми?

— Бузуқи деманг. Мен барибир унга уйланаман.

— Чикариб бўлдингми?

— Озроқ қолди. Исиниб олай, чикариб ташлайман.

— Ҳа, ўн-ўн беш боғ бўлса, шунга ҳам дам олиб ўтирасанми? Бор, томага чикариб кейин дам олсан.

— Йўқ, чиқмайман...

Яна жанжал чиқди. Тезда ҳудуд нозирини айтиб келишди. Она унинг қўлига Абдулланинг паспортни ва кийимларини бериб, уни отасининг уйига олиб бериб беришни тайинлади. Лекин Абдуллани отаси ҳам қабул қилмади. Вақтида воз кечган,

овқатга унаш учун тоқчага энгашганида унинг бошига урди. Кейин ип билан бўйиндан бўғди...

Кечки тўққизларда Абдулла катта отасининг уйига келди. Бу ерда яна бир синглиси бор эди. Унга «эртага оймилар Нанайга олма саралашга борар экан. Сен ҳам борар экансан, оймил айтди» дея уни ҳам уйга олиб келди. Кейин эса...

Абдулла онаси ва уч синглисини ҳам бир хил усўлда — ярим метрлар келадиган темир бўлағи билан бошига уриб, кейин синтетик ип билан бўғиб ўлдирганди. Нега бунчаликка борди? Шу ўринда қирғиз адаби Чингиз Айтматовнинг машҳур «Асрга татигулик кун» романидай воқеалар ёдга тушади. Унда вахшийлар томонидан манкуртга айлантирилган Жўломон ўз онасига тиг ўтқалгани ва ўлдиргани тасвирланади. Жўломон-ку ақл-хушини йўқотган бир манкурт эди, лекин Абдуллани ким манкурт қилди? Юқорида Абдулла бу жиноятни онасининг ҳўрлашлари сабабли қилганини таъкидлаган эдик. Наҳотки она ўғлига яхши бўл, ишла, уйга бузуқиларни олиб келма дейиши ҳўрлаш бўлса! Ахир қайси она фарзандига ёмонлики раво қиларди?

Бу воқеани эшитганлар ёқасини ушлаши аниқ. Ҳеч ким бундай бўлгани ишонилмайди. Лекин хунрезлик содир бўлди. Абдулла қилмиши учун тегишли жазосини олиб, ўлимга ҳужм этилди.

Ҳар бир ота-она кексайиб вафот этсам, фарзандларим ўз қўли билан қабрга қўйса, бир сиқим тупроқ ташласа дея ният қилади. Абдулла онасининг ниятини аввалроқ бажариб қўя қолди. Лекин иззатикром билан дафтн элтиладиган қабрга эмас, қандайдир лой хандакка ўча синглиси билан қўшиб қўмиб қўя қолди. Бундан ортққ разолат бормикан?

Қаҳрамон ТУЙЧИЕВ,
Республика Бош прокуратураси
ички хавфсизлики таъминлаш
инспекцияси прокурори



Ёшлар ва сиёсат


Украина президенти Виктор Ющенко ёшлар куні муносабати билан қилган радионутқида Украина 2006 йилнинг кузига келиб Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишни билдирди. «Украинская правда»нинг ёзишича, Ющенко ҳукуматта ёшлар келганидан мамун эканлигини айтган. Маълумки, мамлакат ҳукумати талайгина ёш вазирлардан иборат. Булар бош вазир ўринбосари Вячеслав Кириленко, оила ва ёшлар вазирі Юрий Павленко, транспорт ҳамда алоқа вазирі Виктор Бондар, иқтисодиёт вазирі Арсеній Яценюклардир. Уларнинг барчаси ҳукуматта Виктор Ющенко тақлифи билан ўтишган. Шунингдек, ёшларга қилган мурожаатда Ющенко Украинада олиб борилаётган сиёсатнинг ижобий томонларига ўхшатиб, бу борада ёшларнинг ўрни беқийс эканлигига алоҳида ургу берди.

БЕЛБОҒЛИ «ТЕРРОРЧИ»

Норвегия пойтахти Стокгольмда рўй бериши мумкин бўлган террористик ҳаракатнинг олди олинди. Яқинда хуни пойтахт полицияси шаҳар четидаги туманлардан бирида ҳақиқат бомба билан таъмин қилинган шахсни ушлаб, зарарсизлаштирди. Иسمى сир тутилаётган шахснинг гапига қўра, уни уч кун олдин ўғирлаб кетишган ва мажбуран шу белбоғни бойлаб қўйишган. Автомашиналар тўхташ жойида йўловчилар ҳамда яқин мағазинларнинг сотувчилари эътибор бериб, тезда полицияга хабар қилинган. Белидаги белбоғда бомба борлигини билгач, полициячилар яқин орада яшовчиларни хавфсиз жойларга қўчиришган. Ҳожа жойига етиб келган саёрлар бомбани ечиб олиб, экспертизга жўнатишди. Бомба тақилган шахс эса кучли стресс ҳолатида шифохонага келтирилган. Айни дамда тергов олиб боришда деб хабар беради «АФР».


Қўшинбу қўшинбу қўшинбу қўшинбу

2006 йилнинг июн ойида Сухумида ўтказилган саммитда Днестрбўйи, Абхазия ҳамда Жанубий Осетия президентлари ўзаро келишиб, қўшма тинчликпарвар кучларни ташкил этиш тўғрисида шартнома имзоладилар. «РИА Новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, айни дамда Днестрбўйида бундай ҳарбий бўлинмаларни ташкил этиш ишлари жадал кетмоқда. Республика президенти Игор Смирновнинг таъкидлашича, тез орада тинчликпарвар кучларни ташкил этиш ниҳоясига етди ва қўшин тўлиқ шаклланди. Смирновнинг гапига қараганда, қўшма тинчликпарвар кучлар доимий равишда фаолият қўрсатиш учун тузилмоқда, ўзининг ички тизимига қўра ҳозир фаолият қўрсатаётган тинчликпарвар кучлардан ҳеч бир фарқи бўлмайди. Агарда Россия айрим ҳудудлардан ўзининг тинчликпарвар кучларини олиб чиқишга мажбур бўлса, у ҳолда рус қўшинлари ўрнини янги кучлар эгаллайди. Сир эмаски, юқориде айтиб ўтилган учта республика яқинроқ қўшнисида хавфсиз равишда турибди. Днестрбўйи Молдовадан, Жанубий Осетия ҳамда Абхазия Грузиядан.



Қарши чора

Беларус ҳукумати АҚШ президенти Жорж Буш ҳамда давлат котиби Кондоллиза Райсинг банкдаги ҳисоб-рақамларини музлатиб қўйишга тайёр эканлигини билдирди. Ушбу ҳисоб-рақамлар ҳақида ва қайси банкда эканлиги тўғрисида ахборот берилмаган дея хабар қилади «Интерфакс» ахборот агентлиги. Мазкур баёнот АҚШнинг Беларус президенти Александр Лукашенко ва айрим мансабдорларнинг ҳисоб-рақамларини музлатиш ҳақидаги қарорига жавоб бўлди. Мамлакат хавфсизлик кенгаши котиби Виктор Шейман давлат телерадиокомпанияси орқали чиқиб, юқоридеги қарорга изох берди.




Импорт қисқаради

Эрон ҳукумати бензин импортидан воз кечиш ва мамлакат ичида бензин сотилишини чеклашга қарор қилди. «АФР» ахборот агентлигининг хабар беришича, импорт 2006 йилнинг 23 сентябридан тўхтади. Бензин сотилишининг метёрини Эрон ҳукумати келаси ҳафта ҳал этади. Таъкидлаш жоизки, Эрон жаҳондаги энг йирик нефт экспортчиларидан биридир, лекин мамлакатда нефтни қайта ишлаш

заводлари етишмаслиги боис бензин импорт қилинади. Эрондаги заводларнинг қуввати бир кунда 40 миллион литр бензин ишлаб чиқаришга етди, аслида эса эҳтиёж учун 70 миллион литр бензин керак. Уртадаги тафовутни Эрон ташқаридан бензин олиб кириш билан қоплар эди. 1 литр бензин Эронда 12 цент туради, бу нарх бошқа давлатлардагига нисбатан анча арзон. Бироқ, мамлакатда бензинга бўлган талаб кун сайин ортиб бораёпти. Феврал ойида Эрон парламенти бензин импортига 2,5 миллиард доллар маблағ ажратди, мамлакат ҳукумати эса бу харажат учун 4 миллиард доллар сўраган эди.



Гумондорлар хибса



2006 йилнинг февралда Буюкбританиянинг Кент графлигида содир этилган, аср ўғирлиги номини олган жиноятда гумон қилинаётган тўрт нафар Буюкбритания фуқароси Марокашда ҳибсга олинди. Гумондорларни қўлга олиш операцияси Марокаш пойтахти Рабат марказида жойлашган «Mega Mall» савдо марказида ўтказилди ва ушбу операцияда 30 та полициячи қатнашди. Ҳибсга олинганларнинг исми-фамилиялари ошкор этилмапти. Эслатиб ўтамиз, Англия жанубида жойлашган Тонбриж шаҳридаги пул сақлаш хонаси шу йил 22 февралда талон-тарож қилинган ва бу ўғирлик Буюкбритания тарихидаги энг катта жиноят сифатида қайд этилган эди. Ушанда полициячилар кийимини кийиб олган жиноятчилар бино ичига кириб, пул сақлаш хонаси бошқарувчиси ҳамда унинг оиласини гаровга олиб 53.000.000 фунт-стерлингни (95.400.000 доллар) ўғирлаб кетишган. Полициянинг сўнгги баёнотида қўра, ўғирланган пулларнинг 20.000.000 фунт-стерлинги топилган. Мазкур иш юзасидан 17 киши ҳибсга олинди, жиноятга алоқадорлиги исботланмагандан сўнг тез орада озод қилинган. Беш нафар буюкбританиялик, тўрт эркак ва бир аёлга расман айб эълон қилиниб, 12 июнда улар устидан суд жараёни бошланган. Мана энди жиноятчилар сони яна тўрт кишига кўпайди деб хабар қилади «АФР».

Утган ҳафта жума куні Сомалида швед журналисти Мартин Адлер ўлдирилди деб хабар қилади «АФР» ахборот агентлиги. Пойтахт Могадишога бўлиб ўтаётган намоийшдан репортаж тайёрлаш мақсадида оломонга

Журналистнинг ўлими

қўшилиб кетган журналистни кимдир отиб ташлагани. Кўрагидан ўқеган Адлер воқеа жойида ҳалок бўлган, жиноятчини қўлга олиш ишлари самара бермаган. Швеция ҳукумати мазкур хабарни эшитган, қурбон бўлган журналистнинг оила аъзоларига таъзия изхор этди. 47 ёшли Мартин Адлер фотограф ва телеоператор бўлиб, Швециянинг йирик ахборот агентлиги бўлиши «Aftonbladet» ҳамда Буюкбританиянинг «Channel Four» телекомпанияси билан ҳамкорлик қилган.

Дипломатик тамал-тош

Сербия ҳамда Черногория ўзаро дипломатик алоқаларни ўрнатмоқда деб хабар беради В-92 радиостанцияси. Утган ҳафта Белградда Сербия ташқи ишлар вазирі Вук Драшкович ҳамда унинг черногориялик ҳамкасби Миодраг Влахович ўртасида мазкур масала доир протокол имзоланди. Маълумки, жорий йилнинг 21 майида Черногориянинг Сербиядан ажралиб чиқиши учун ўтказилган референдум натижасига қўра Черногория мустақилликка эришган. Ўтказилган музокара Черногория мустақилликка эришган бўлган илк мулоқотдир. Кейинчалик Черногориянинг мустақиллигини Россия, АҚШ, 15 июнда эса Сербия тан олди.

Террорчилик ҳаракати

Туркиянинг Анталия шаҳри четида содир этилган портлаш оқибати бартаф этилмоқда. Мазкур портлаш натижасида тўрт киши ҳалок бўлган, уларнинг иккитаси Украина ҳамда Норвегия фуқароларидир, қўллаб тинч аҳоли вакиллари жароҳатланган деб хабар қилади «Reuters». Айни дамда портлаш сабаблари ўрганилмоқда, полиция ходимлари кун-у туни яқин орадаги барча уйларида тинтув ўтказиб, шубҳа туғдирган шахсларни суроққа тутишмоқда. Дастлабки маълумотларда айтилишича, портловчи модда сифатида газ баллонни ҳам қўлланган бўлиши мумкин.

Бош вазирга қаршилар

Литва бош вазирі лавозимига номзод Зигмантас Балчитис мамлакат парламентида етарли овоз йиға олмади деб хабар қилади «АФР» ахборот агентлиги. Мамлакат президенти Валдас Адамкус томонидан бош вазир лавозимига номзоди қўйилган Балчитис учун 52 депутат овоз берган, 48 таси қарши чиққан, 32 таси эса бетараф бўлган. Хуллас, Литва қонунчилиги бўйича аксарият депутатларнинг розилигини олиши зарур бўлган Балчитис мақсадида эриша олмаган. Бош вазирлик учун унга рақиб бўлган Андриус Кубилюс номзоди эса президент Адамкус томонидан рад этилганди. Андриус Кубилюс парламентдаги мухалифатчилар етакчиси бўлиб, «Ватан иттифоқи» партиясининг раҳбаридир. Ўтказилган сўровларга қўра, унинг партияси омма орасида етакчилик қилмоқда деб хабар қилади «Репнун-Балтика» ахборот агентлиги. Кубилюс оммавий ахборот воситалари вакиллари берган интервьюсида мамлакатда навабдан ташқари сайловни ўтказиш учун қўлидан келган барча ишни қилишини таъкидлаб ўтди. «Агар парламент, — дейди Кубилюс, — мамлакатда юз берган инқироздан чиқиш йўлини топа олмаса, ўзгаришлар халқ хоҳиши бўйича амалга оширилади». Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунга келиб сеймдаги ҳеч бир партия кўпчилик овозга эга эмас. 2006 йилнинг апрелдан мамлакатда ҳукмрон бўлиб келган, ўз ичига тўртта партияни олган коалиция парчаланиб кетган. 31 май куні Литва бош вазирі Алгирдас Бразаускас ҳамда яна бир неча вазир истейфого чиқишганди.



Муроса зарур

АҚШнинг республикачилар партияси вакили сенатор Ричард Лугар АҚШ ҳамда Шимолий Корея раҳбариятига мурожаат этиб, уларни бевосита музокара ўтказишга қачирди деб хабар беради «АФР» ахборот агентлиги. Маълумки, ушбу давлатлар ўртасидаги алоқалар сўнгги йилларда анча кескинлашган, охири даврга улар ўртасида ўтказилган музокараларда учинчи давлат иштирок этган эди. Сенатнинг халқро алоқалар қўмитаси раиси бўлиши Лугар АҚШнинг ҳарбий куч ишлатиб бўлса-да, Шимолий Кореянинг қитъаларо баллистик ракеталарни синовдан ўтказишга тўқиллик қилиш тўғрисидаги қарорини шошмашошарлик дея баҳолади. Унинг таъкидлашича, икки давлат ўртасида дипломатик алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳамда воситачисиз музокараларни йўлга қўйиш самара бериши мумкин. Айни дамда АҚШ ҳукумати Шимолий Корея билан олти томонлама музокара доирасида алоқа қилмоқда. Ушбу олтиликка Шимолий ҳамда Жанубий Корея, Россия, Япония, Хитой ва АҚШ қиради. Айрим мутахассислар Шимолий Корея олиб бораётган синовларни тўхтатиш мақсадида ракеталар учуриладиган қурилмага зарба бериш кераклигини таъкидламоқда. Бироқ ҳали АҚШ бу борада яқиний қарорга келмаган. Лугарнинг гапига қараганда, ҳозир АҚШ Шимолий Корея ҳукумати билан музокарани йўлга қўйиш учун мустаҳкам пойдеворга эга, шу боис бу жараёни тезлатмоқ зарур.


Internet хабарлари асосида Нуриддин РАХИМОВ тайёрлади

Утганларнинг охирати обод бўлсин!

Республика Бош прокуратураси жамоаси ва фахрийларни ихтимой қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси **Вогиз АГЛИУЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардлик изхор этади.

Германия — 2006

Тўхат ўрида



тўхалишдан олдин гуруҳларда қайд этилган натижа ҳусусида икки оғиз сўз. Бўлиб ўтган 48 та ўйинда дарвозаларга жами 117 та тўп киритилди. Бухар бир ўйинда мухлислар ўртача 2,43 та голнинг гувоҳи бўлиши деганидир. Бразилиялик Роналдо Япония дарвозасини икки марта ишғол этиб, жаҳон чемпионатларида урган голлари сонини 14 тага етказди ва бу борада германиялик Герд

дай бўлмади. Гуруҳдан чиқиш учун Австралияликларга 4 очко кирфоя қилган бўлса, корейслар учун бу камлик қилди.

Шундай қилиб, 24 — 26-июн кунлари бўлиб ўтган нимчорак финал ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: Германия — Швеция — 2:0, Аргентина —

урашувида хорватиялик Шимуничга нега учта сариқ карточка кўрсатганини миллионлаб ишқибозлар-у мутахассислар у ёқда турсин, англиялик машҳур ҳакам Грэм Полнинг ўзи ҳам тушунмас керак. Одатда, қонда бўйича ўйинчи иккинчи сариқ кар-

ГРЭМ ПОМ «ТОМОША» КЎРСАТДИ

Газетамизнинг ўтган сонида ҳабар қилганимиздек, 23 июн кунини Германияда ўтказилаётган жаҳон чемпионати гуруҳ ўйинлари якунланди. «А» гуруҳида Германия ва Эквадор, «В» гуруҳида Англия ва Швеция, «С» гуруҳида Аргентина ва Голландия, «D» гуруҳида Португалия ва Мексика, «E» гуруҳида Италия ва Гана, «F» гуруҳида Бразилия ва Австралия, «G» гуруҳида Швейцария ва Франция, «H» гуруҳида Испания ва Украина термалари биринчи ва иккинчи ўринларини эгаллаб, 1/8-финал йўлланмасини қўлга киритдилар.

Миоллерга тенглашди. Ҳадемай ушбу рекорднингиланса ажаб эмас. Рекордлар ҳақида гап кетганда португалияликларнинг бош мураббийи Сколари ўз жамоаси билан нимчорак финалда голландларни мағлуб этиб, жаҳон чемпионати ўйинларида қаторасига 11-галабани қўлга киритиб, бу борада рекорд ўрнатганини айтиб ўтмоқчимиз. Бундан унинг «ЖЧ—2002»да Бразилия билан эришган ютуқлари ҳам ҳисобга олинган.

Кўпчилик мухлислар Осиё вакиллари билан ҳеч бўлмаса Жанубий Корея гуруҳдан чиқса керак деб умид қилишган эди. Афсуски, бун-

Мексика — 2:1 (қўш вақт), Англия — Эквадор — 1:0, Португалия — Голландия — 1:0, Италия — Австралия — 1:0, Швейцария — Украина — 0:3 (пен. бўйича). Демак, 1/4-финалда 30 июн ва 1 июл кунлари Германия ва Аргентина, Италия ва Украина, Англия ва Португалия ҳамда кеча кечаси ўтказилган Бразилия — Гана ва Испания — Франция жувфликларининг голиблари майдонга тушишди.

Дарвоқе, чемпионатда ҳакамлар бир қатор кўпол хатоларга йўл қўётганини таъкидлаш жоиз. Биргина Хорватия — Австралия

точка кўрсатилгандан кейин у майдондан четлаштирилиши керак. Инглиз эса бундай қилмади...

Хасан НИШОНОВ,
«Нуқид» мухбири



Серкўёш юртимизда жазирама забтига олган кезларда қатта-ю кичик соя-салқин масканларга интилади. Бундай кезларда ёғзи таътилиш ўтказиб, болаларни бағрига чорлаётган сўлим оромгоҳлар ҳар домгидек гавжум. Хўш, уларда масумга қандай тайёргарлик кўрилган?

Ёз ўтмоқда соз



Болалар қувончига не етсин

Маълумки, Тошкент мамлакатимизда болалар оромгоҳлари энг кўп жойлашган вилоятлардан саналади. Вилоят прокуратураси томонидан мазкур масканларда эртанги кунимиз эгаларининг мароқли дам олиши учун яратилган шароит ўрганиб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамаси ва «Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича» республика доимий комиссиясининг 11 май кунини ўтказилган кенгайтирилган мажлисида Тошкент вилоятидаги оромгоҳларнинг масумга тайёргарлиги талаб даражасида эмаслиги танқид қилинган эди. Бундан хулоса чиқарилган ҳолда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»га доир вилоят дастурининг 16-бандида белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаш бўйича режа ишлаб чиқилди. Вилоят штаби ташкил этилди. Вилоят прокуратурасининг аралашуви билан оромгоҳларнинг озёқ-овқат таъминотини такомиллаштиришга, малакали тиббий хизмат кўрсатилишига, маданий-маърифий тадбирларни давр талабига мослаштиришга эришиляпти. Айниқса, оромгоҳларда дам олаётган болалар ўртасида спорт-соғломлаштириш тадбирларини изчил йўлга қўйиш самара берапти. Вилоятимиздаги 14 та оромгоҳ режага мувофиқ ишлаб турибди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш ўринлики, фарзанд тарбияси масумийи вафиза бўлмаганидек, ёш авлодининг жисмоний ва маънавий баркамоллиги ҳам доимий эътиборни талаб этади.

А.АБДУРАЗЗОКОВ,
Тошкент вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Ҳарфларни тўғри кетма-кетликда улаб, яширилган сўзни топинг.

Ш	И	ИБ	МА	АС
АТ	РТ	ЗОР	ОТА	КТИ
ЛАС	ИШЗ	НКА	НАЛ	АХЗЛ
ФИН	ШАЛЮ	СЕН	КФО	РАИК

Ўтган сондаги ребус жавоблари: Замбротто, Шевченко, Роналдиньо, Нистелрой, Нелвел, Гудлумхаммадия, Огасавара, Иброҳимович, Швайнштайгер.

Huquq
yuridik gazeta

Ta'rischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi:
Jahongir MAKUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahridin VALIYEV,
Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALK,
Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-88-82, 133-10-53.
E-mail: info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan to'xyzatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Muallifning fikrini tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»-dan olinganligi ko'rsatish shart. Tjorat ahamiyatiga mo'lik materiallar bexos ostda chop etiladi.

Buyurtma G — 856.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terilvi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: F. MAMASHARIPOV
Musahhihi: A. MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMM bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxonaning manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirish: 17.30. 2345678

ИШЛАШНИ БИЛИШ

Шу кунларда иш деганлари қайнагандан қайнаб ётибди. Бош қашига қўл тегмайди. Одамларга ҳам ҳайронсан — эшикнинг тағида ғуж бўлиб олишган, худди бошқа ишлари йўқдай. Бундай олиб қараганда, уларнинг ҳаммаси бекорчи-да. Ўзим ана шуларни деб ишлаётиман. Бировининг раҳми келиб «бироз нафасингни ростла» демайди. Буларга иши битса бўлди. Сен ўласанми, қолсанми ишлари йўқ. Узлари ҳар кун кўриб турсалар-да, Парда Хонкелдиев яна менга «Ишламайсан!» деб дўк урадилар.

— Бундан ортик яна нима иш қилай? — десам, «гўр қил!» дейдилар-да, кўзларини шокосасидан чиқариб мени кўрkitдилар.

Мен у кишининг кўзларидан кўрқмайман, фақат саватларидан хайиқаман, холос. «Йўқ!» десалар, тамом.

— Ишламайсан! — дедилар бугун ҳам шунча навбат кутиб ўтирган одамларни ташлаб хоналарига кирсам.

Одам ва одамлар

◆ 1918-1919 йилларда бўлган грип эпидемияси АҚШ ва Европада 20 миллиондан ортик кишини ҳаётдан олиб кетган.

◆ Киши бир кунда бир пачка синарет чекса, бир йилда бир чашка смолда ичгандек бўлади.

◆ Одамзот ер юзидagi жонзотлар ичда тўғри чиққ чизинга қодир бўлган ягона мажжудотдир.

◆ Инсон кулаётганда 17 та мускул ишлайди.

◆ Эркакаларнинг бўйи 130 см.дан, аёлларники 120 см.дан кам бўлса пакапа ҳисобланади.

◆ Инсоннинг ҳар бир бармоғи ҳаёти давомида тахминан 25 миллион марта даст ташлайди.

◆ Инсон организмида яшайётган бактерияларнинг умумий оғирлиги 2 килограмми ташкил этади.

◆ Болалар туғилганда тизза косчасисиз туғилади. Улар фақат 2-6 ёшларда ҳосил бўлади.

Кизиқарли факт

Биргина олғир мушук йил давомида сичқон овлаб 10 тонна донни «асраб» қолар экан...

ТАБАССУМ

Қоронғу йўлакда икки эркак учрашиб қолибди. Биринчиси чўнтагидан пичоқ чиқариб, дебди:
— Пул борми?
Иккинчиси эса кўзини дамба чиқариб сўрабди:
— Сена пул нимага керак?
Шунда биринчиси пичоқни яшириб, мингталик купюрани чиқарибди:
— Мағанни мағдаламоқчи эсим...

Моҳият

Тасдиқ жавоби учун биргина «ха» деган сўз кирфоя қилади. Қолган ҳамма сўзлар «йўқ» дейиш учун ўйлаб топилган.

Судья рецидивистдан сўрапти:

— Қачон тўғри йўлга тушасиз-а, Тешаев?!
— Энди тузаламан, фақат оғзинга муддат беринг...

— Аптолмайсизми, мен маҳбуе Қобилов билан кўришсам бўладими?
— Буласизми, Қобилов кечагина озодликка чиққан эди. Бир оилардан кейин хабар олинг...